Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 14 (143) • 2008 йил 4 апрель

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

**СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ УЧУН БЕШТА НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 48-сон қарори ***билан қуйидагилар тасдиқланди:***

– Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси;

– Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси;

– Вилоят тиббий диагностика маркази тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси;

– Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси;

– Қишлоқ врачлик пункти тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси.

Тиббиёт муассасаларининг асосий мақсади ихтисослаштирилган, юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Низомлар билан улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган. Чунончи, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази мажбуриятлари орасида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, имтиёзга эга шахслар тоифаси (ногиронлар, ғирт етимлар ва низомда кўрсатилган бошқалар) учун эса – бепул асосда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Шунингдек вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам болаларга бепул ёрдам кўрсатишни, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси эса аҳолига юқори малакали маслаҳат ва даволаш-профилактика тиббий ёрдамини кўрсатишни амалга оширади.

## «ХОРАЗМ ШАКАР»ГА ИМТИЁЗЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 мартдаги «Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 52-сон қарори билан** «Xorazm Shakar» ОАЖ 2008 йил 1 октябргача четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, механизмлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хом ашё ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа материаллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан, шунингдек ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинди *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

## МАКТАБ ТАЪЛИМИГА АЖРАТМАЛАР ОБЪЕКТИ БЕЛГИЛАНДИ

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 18 мартда 1446-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* билан Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

Улар билан улгуржи савдо корхоналари; комиссия, топшириқ шартномалари ва бошқа воситачилик хизматларини кўрсатиш шартномалари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар; қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари; кредит ва суғурта ташкилотлари; молиявий ижара (лизинг) хизматлари кўрсатадиган корхоналар; тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари; коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари; «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари; иқтисодиётнинг қолган тармоқлари учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар объектлари белгиланди. Ушбу ажратмалар ҳисоб-китобларининг шакли ва уларни тўлаш муддатлари ҳам ўзгартирилди.

**2008 йил 28 мартдан кучга кирди.**

## БАНК БУХГАЛТЕРЛАРИ УЧУН ЯНГИ ҲИСОБВАРАҚЛАР

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 18 мартда 773-25-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Режанинг ҳисобварақлар рўйхатидан иборат бўлган иккинчи бўлими қуйидаги янги ҳисобварақлар билан тўлдирилди: «Валюта бозорида конвертация қилиш учун мижозларнинг захира қилинган маблағлари»; «Якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар»; «Терминаллар орқали келиб тушган ва мижозларнинг ҳисобрақамига киритилиши керак бўлган тушумлар» ва бошқалар. Баъзи ҳисобварақларнинг номлари ўзгарди. Масалан, 22624-«Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари» ҳисобварағининг номи «Акцизли товарларнинг алоҳида турларини реализация қилувчи юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари»га ўзгартирилди. Баъзи ҳисобварақлар, шу жумладан 45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар» ҳисобварағи чиқариб ташланди. Ҳисобварақлар тавсифига ҳам ўзгартишлар киритилди.

**2008 йил 28 мартдан кучга кирди.**

## ТУШУНТИРИШСИЗ

**Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 20 мартда 538-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* билан Уй-жойларни олишсотиш, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганда давлат божини ундириш тартиби тўғрисида тушунтириш ўз кучини йўқотган деб топилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

**2008 йил 30 мартдан кучга кирди.**

## БИТИРУВЧИЛАР АТТЕСТАЦИЯЛАНИБ, ҚАМРАБ ОЛИНАДИЛАР

**Халқ таълими вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2008 йил 20 мартда 1778-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Низом билан умумий ўрта таълим муассасаларининг битирувчилари учун якуний аттестациядан ўтиш мажбурий эканлиги белгиланди.

Якуний аттестация ёзма, оғзаки ёки тест усулида ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади. Битирувчи синфларда якуний аттестация ўтказиладиган фанлар рўйхати, шакли ва муддатлари ҳар ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Мактаб битирувчиларининг якуний аттестацияси шу мактаб педагогик кенгаши томонидан тасдиқланган якуний аттестация комиссияси томонидан мувофиқлаштирилиб, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Барча мактабларда якуний аттестация эрталаб соат 8.00 дан бошланади.

Битирувчиларга ёзма ёки оғзаки якуний аттестация бўйича баҳо қўйиш якуний аттестация комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Низомда битирувчилар якуний аттестациядан тўлиқ ёки қисман озод этилиши мумкин бўлган ҳоллар белгиланган.

**Ҳужжат 2008 йил 30 мартдан кучга кирди.**

* * *

**Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2008 йил 26 мартда 1779-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* билан Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Вақтинчалик низом 9-синф битирувчиларини уларнинг ўзлари ва ота-оналари томонидан ихтиёрий равишда танланган таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш тартибини белгилайди.

Битирувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари томонидан танланган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги аризалари асосида умумий ўрта таълим мактаблари директорлари томонидан ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади ҳамда битирувчи ҳамда ота-оналарнинг бевосита иштирокида тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига топширилади. Бунда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўз ҳудудларидаги битирувчиларни қамраб олиш имкониятлари доирасида битирувчилар аризаларига кўра академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари сафига тўғридан-тўғри қамраб олинади.

Низом шунингдек академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг қамраб олиш имкониятидан ортиқ битирувчилар ўқиш истагини билдирган ҳолатларни тартибга солади.

Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш жараёни Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан назорат қилинади.

Мазкур Вақтинчалик низомнинг 2010 йил 1 январгача амал қилиши белгиланган.

**2008 йил 5 апрелдан кучга киради.**

## ПЕНСИЯЛАР ҚАЙТА ҲИСОБЛАНАДИ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 26 мартда 1780-сон билан рўйхатдан ўтказилди)*** билан Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3972-сон Фармонига мувофиқ Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

**2008 йил 5 апрелдан кучга киради.**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

**Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори *(АВ томонидан 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш ва улар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Низом қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотишни амалга оширадиган фермер хўжаликларига татбиқ этилади. Хўжаликлар бошқа турдаги фаолиятларни амалга оширганда, ушбу фаолият турлари бўйича бухгалтерия ҳисобини қонунчиликка мувофиқ алоҳида юритадилар.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакли бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли ёки комбинациялашган шаклида юритилиши мумкин. Бунда фермер хўжалигига бухгалтерия ҳисоби шаклини ихтиёрий танлаш ҳуқуқи берилади. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича жавобгарлик фермер хўжалигининг бошлиғига юклатилади.

**2008 йил йил 5 апрелдан кучга киради.**

## ТРАКТОРЛАР ИМТИЁЗГА ТУШДИ

**Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 26 мартда 1669-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига қўшимчалар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Унга энди гусеницали тракторлар ва земснарядлар ҳам киради.

**2008 йил йил 5 апрелдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 15 мартдан 29 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 12-13-сони асосида тайёрланди.***

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

УШБУ СОНДА

3-бет Олибсотарлар бозордан чиқарилади

4-бет Кимларга неустойка солинади?

5-12-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

13-бет Юридик маслаҳат

$1 = 1301,02 сўм €1 = 2032,84 £1 = 2597,62 сўм ¥10 = 130,44 сўм

INTER PRESS

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2008 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **2008 йил 7 январдаги 19-аф-сонли** буйруғига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилиши 2008 йил 1 январидан тугатилди:

– МЧЖ шаклидаги «ZAMIN BLACK GOLD-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2003 йил 9 декабрда берилган 00548-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «AHIL-IMKON AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 30 январда берилган 00563-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «FELIKS-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 17 июнда берилган 00592-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «NASIBA-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2003 йил 28 апрелда берилган 00522-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «ASR KONSALTING-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 28 сентябрда берилган 00616-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «PRESTIJ-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 2 апрелда берилган 00581-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «AUDIT-BARAKA» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 12 ноябрда берилган 00278-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «MOLIYA-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2005 йил 30 мартда берилган 00652-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «AUDIT-GARANTIYA» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 21 январда берилган 00359-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «SARMOLIYA» аудиторлик ташкилотига 2003 йил 28 ноябрда берилган 00547-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «ARGUMENT-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 4 сентябрда берилган 00474-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «KAMOLOT-FIDOIY-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 26 январда берилган 00374-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «DONISMAND SAMO» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 3 ноябрда берилган 00622-сонли лицензия;

– «AUDIT-OLGA» МЧЖга 2001 йил 8 октябрда берилган 00227-сонли лицензия;

– «AUDIT-SKANER» хусусий аудиторлик корхонасига 2005 йил 12 мартда берилган 00647-сонли лицензия;

– «SOLIQCHI-KO'ZGUSI» хусусий аудиторлик корхонасига 2005 йил 20 сентябрда берилган 00690-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «SHERDOR-AUDIT» АФга 2001 йил 7 августда берилган 00136-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «HAMKORI-AUDIT» АФга 2001 йил 14 ноябрда берилган 00289-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «AUDIT INFORM KONSALTING» АФга 2001 йил 12 ноябрда берилган 00277-сонли лицензия;

– «АУДИТХИЗМАТ» МЧЖга 2001 йил 24 августда берилган 00174-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «Semurg-Audit» аудиторлик ташкилотига 2003 йил 18 декабрда берилган 00550-сонли лицензия;

– «ChANTIK» хусусий АФга 2001 йил 24 сентябрда берилган 00204-сонли лицензия;

– «ADOLAT-M» хусусий АФга 2002 йил 7 июнда берилган 00449-сонли лицензия;

– «ZARURIY-AUDIT» хусусий АФга 2001 йил 5 сентябрда берилган 00192-сонли лицензия;

– «HISOB-KITOB» хусусий аудиторлик ташкилотига 2004 йил 15 январда берилган 00558-сонли лицензия;

– «FAKT AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2005 йил 12 июлда берилган 00679-сонли лицензия;

– «HUSHMURAT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2001 йил 29 майда берилган 00056-сонли лицензия;

– «NE'MATILLA AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2001 йил 20 августда берилган 00159-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «O'ZBEK-AUDIT» АФга 2004 йил 3 ноябрда берилган 00620-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «Шофиркон» АФга 2001 йил 29 майда берилган 00058-сонли лицензия;

– «Аудит-96» АФга 2001 йил 24 июлда берилган 00118-сонли лицензия;

– ЁАЖ «Andijonkonsauditinform» вилоят марказига 2002 йил 7 майда берилган 00432-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «TAHLIL-MASLAHAT AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2005 йил 9 мартда берилган 00636-сонли лицензия;

– «BALANS-INFORM-AUDIT» хусусий АФга 2001 йил 25 июлда берилган 00123-сонли лицензия;

– «SALIMOV AUDIT KONSALTING» хусусий аудиторлик корхонасига 2005 йил 5 апрелда берилган 00655-сонли лицензия;

– «Xojaorif-Audit» хусусий аудиторлик корхонасига 2005 йил 7 июлда берилган 00677-сонли лицензия;

– «Sitora-Audit» хусусий аудиторлик корхонасига 2004 йил 17 июнда берилган 00593-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «AUDIT-FINTAX» АФга 2002 йил 2 апрелда берилган 00409-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «SHAH-AUDIT» АФга 2002 йил 12 июлда берилган 00457-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «MUXOSIBTAXLILAUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 7 майда берилган 00435-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «DINARA-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2003 йил 26 мартда берилган 00517-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «PROGRESS-2» АФга 2001 йил 14 июнда берилган 00073-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «HAQIQAT-AUDIT-A» АФга 2001 йил 1 ноябрда берилган 00269-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «HORAZMTOLA-AUDIT» АФга 2002 йил 21 февралда берилган 00388-сонли лицензия;

– «Ал-Амин» АФга 2001 йил 27 мартда берилган 00019-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «АУДИТ АТАЖАНОВ ва К» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 25 июнда берилган 00090-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «MUSTAQILLIK-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 28 октябрда берилган 00487-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «YANGIARIQ-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 22 апрелда берилган 00582-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «SAID-XO'JA» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 18 июлда берилган 00113-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «ТАХЛИЛ-АУДИТ» минтақалараро аудиторлик компаниясига 2001 йил 6 апрелда берилган 00029-сонли лицензия;

– «HIVA-AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2004 йил 12 мартда берилган 00577-сонли лицензия;

– «SHOVOT YAHSHI NIYAT-AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2003 йил 14 августда берилган 00533-сонли лицензия;

– «QURUVCHI-AUDIT» хусусий аудиторлик корхонасига 2005 йил 30 апрелда берилган 00664-сонли лицензия;

– «Инаудит Хен» хусусий АФга 2001 йил 26 апрелда берилган 00036-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «Konsauditekspert» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 31 майда берилган 00060-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «MEZONAUDIT» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 20 июнда берилган 00087-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «BITKONSAUDIT» АФга 2002 йил 10 январда берилган 00348-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «BUXGALTER» АФга 2001 йил 2 мартда берилган 00013-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «Rahmat-N» АФга 2002 йил 2 апрелда берилган 00407-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «JIZZAX-AUDIT» АФга 2001 йил 21 сентябрда берилган 00197-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «EXPERT» АФга 2001 йил 26 октябрда берилган 00259-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «MADADKOR-A» АФга 2001 йил 20 июнда берилган 00085-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «ERKIN-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 20 июнда берилган 00088-сонли лицензия;

– МЧЖ шаклидаги «O'TKIR-M-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 3 ноябрда берилган 00621-сонли лицензия.

***Ё.ТУРСУНОВ,***
***молия вазири ўринбосари.***

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низом *(АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* талабларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказишга рухсат олган аудиторлик ташкилотларининг қўшимча рўйхатини эътиборингизга ҳавола этади.

***Ё.ТУРСУНОВ,***
***молия вазири ўринбосари.***

***«ТАСДИҚЛАЙМАН»***
*Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари*
*А.ДАЛИЕВ.*
*04/04-486-сон*

***«ТАСДИҚЛАЙМАН»***
*Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари*
*Ё.ТУРСУНОВ.*
*ЁТ 17-02-32/389-сон*

*2008 йил 27 март.*

**Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказишга рухсат олган аудиторлик ташкилотларининг (қўшимча) РЎЙХАТИ**

| Т/р | Аудиторлик ташкилотлари номи | Минтақа |
|---|---|---|
| **Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари** | | |
| 1 | "QASHQADARYOKONSAUDITINFORM" ЁАЖ | Қашқадарё вилояти |
| 2 | "AUDIRES" аудиторлик хусусий ташкилоти | Фарғона вилояти |
| 3 | МЧЖ шаклидаги "Himoya-Audit" аудиторлик ташкилоти | Фарғона вилояти |
| 4 | МЧЖ шаклидаги "Komil-Ishonch" аудиторлик ташкилоти | Самарқанд вилояти |
| 5 | "Erkin-Audit-XXI" МЧЖ | Андижон вилояти |
| 6 | МЧЖ шаклидаги "OSIYO-AUDIT" аудиторлик компанияси | Тошкент ш. |
| 7 | "PraysvoterxausKupers" шуъба аудиторлик корхонаси | Тошкент ш. |
| 8 | "Deloitte va Touche" МЧЖ | Тошкент ш. |
| **Хўжалик юритувчи субъектларда (устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) ташаббус тарзидаги ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари** | | |
| 9 | "Progress Audit" МЧЖ | Бухоро вилояти |
| 10 | МЧЖ шаклидаги "Javlon Audit Servis" аудиторлик ташкилоти | Самарқанд вилояти |
| 11 | "Davr" МЧЖ | Наманган вилояти |
| 12 | МЧЖ шаклидаги "Prokar Ekspert Audit" аудиторлик ташкилоти | Тошкент ш. |
| 13 | МЧЖ шаклидаги "Audit-Rumans" аудиторлик ташкилоти | Тошкент ш. |

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 1 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1188,61 | 100 Ливан фунти | 86,16 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2597,62 | 1 Малайзия ринггити | 407,08 |
| 1 Дания кронаси | 272,62 | 1 Норвегия кронаси | 251,92 |
| 1 БАА дирҳами | 354,31 | 1 Польша злотийси | 576,39 |
| 1 АҚШ доллари | 1301,02 | 1 Сингапур доллари | 940,79 |
| 1 Миср фунти | 238,48 | 1 СДР | 2127,95 |
| 1 Исландия кронаси | 17,01 | 1 Туркия лираси | 1031,82 |
| 1 Канада доллари | 1276,76 | 1 Швеция кронаси | 216,13 |
| 1 Хитой юани | 185,02 | 1 Швейцария франки | 1295,32 |
| 1 Қувайт динори | 4883,71 | 1 ЕВРО | 2032,84 |
| 1 Россия рубли | 54,90 | 10 Жанубий Корея вони | 13,14 |
| 1 Украина гривнаси | 257,63 | 10 Япония иенаси | 130,44 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 2.04.2008 | 1 | 0,8329 | 1 | 1,2996 | 1 | 0,0352 |
| Арманистон | 2.04.2008 | 1 | 307,38 | 1 | 480,99 | 1 | 13,02 |
| Беларусь | 3.04.2008 | 1 | 2145,00 | 1 | 3347,92 | 1 | 90,62 |
| Грузия | 3.04.2008 | 1 | 1,456 | 1 | 2,2769 | 1 | 0,0615 |
| Қозоғистон | 3.04.2008 | 1 | 120,60 | 1 | 188,61 | 1 | 5,11 |
| Латвия | 3.04.2008 | 1 | 0,451 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0191 |
| Литва | 3.04.2008 | 1 | 2,2157 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3638 |
| Молдова | 2.04.2008 | 1 | 10,5741 | 1 | 16,5373 | 1 | 0,4478 |
| Тожикистон | 3.04.2008 | 1 | 3,4269 | 1 | 5,3665 | 10 | 1,4477 |
| Ўзбекистон | 1.04.2008 | 1 | 1301,02 | 1 | 2032,84 | 1 | 54,90 |
| Украина | 2.04.2008 | 100 | 505,00 | 100 | 790,83 | 10 | 2,1417 |
| Эстония | 2.04.2008 | 1 | 10,0049 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,423544 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 1 апрель ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1312,00 | 1314,00 | 2018,00 | 2048,00 |
| "Асака" банки | 1312,00 | 1314,00 | 2033,00 | 2038,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1313,00 | 1315,00 | 2034,00 | 2044,00 |
| "Пахта Банк" | 1312,00 | 1314,00 | 2045,00 | 2050,00 |
| "Халқ банк"и | 1312,00 | 1314,00 | 2033,00 | 2047,00 |
| "Ипотекабанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2034,00 | 2040,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2045,00 | 2047,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1311,00 | 1314,00 | 2068,00 | 2073,00 |
| "UzKDBбанк" | 1312,00 | 1315,00 | 2033,00 | 2050,00 |
| "Ғаллабанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2033,00 | 2042,00 |
| "Трастбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2033,00 | 2043,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1312,00 | 1314,00 | 2042,00 | 2047,00 |
| "Алоқабанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2034,00 | 2065,00 |
| "Ў-Т банк" | 1312,00 | 1315,00 | 2034,00 | 2056,00 |
| "Туронбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2030,00 | 2060,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1312,00 | 1314,00 | 2035,00 | 2050,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1313,00 | 1315,00 | 2020,02 | 2045,00 |
| "Туркистон" банк | 1312,00 | 1314,00 | 2032,00 | 2040,00 |
| "Даврбанк" | 1311,00 | 1314,00 | 2043,00 | 2065,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1313,00 | 1315,00 | 2033,00 | 2063,00 |
| "Капитал банк" | 1313,00 | 1315,00 | 2033,00 | 2063,00 |
| "Содерат банк" | 1312,00 | 1315,00 | 2018,00 | 2048,00 |
| "Универсалбанк" | 1313,00 | 1315,00 | 2051,00 | 2054,00 |
| "Парвинабанк" | 1312,00 | 1315,00 | 2035,00 | 2038,00 |
| "Равнақбанк" | 1312,00 | 1314,00 | 2018,00 | 2048,00 |

***"Банк ахборотномаси" 15-сон (622) 2008 йил 2 апрель.***

**УШБУ СОНДА:**

*✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР*
*– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз*
*– Олибсотарлар бозордан сиқиб чиқарилади*
*– Солиқ оқибатларисиз* ***1, 3-бетлар***
*✓ АУДИТ*
*– Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига*
*– Валюталар курси* ***2-бет***
*✓ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ*
*– Бажармаганларга неустойка солинади* ***4-бет***

***ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР***
***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари:***
*– «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»;*
*– «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида».*
***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:***
*– «Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қанд-шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».*
***Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:***
*– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;*
*– ЎзР МВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.* ***5-12-бетлар***
*✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТ*
*– Келишув тўғрисида битим*
*– Монополиячи билан қандай низолашиш керак?* ***13-бет***
*✓ БИЗНЕС ПАНОРАМА* ***14-16-бетлар***

# ОЛИБСОТАРЛАР БОЗОРДАН СИҚИБ ЧИҚАРИЛАДИ

***Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби тўғрисида низом* монополияга қарши органларга ЎзРТХБда сотиш учун монопол маҳсулотнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорида** (бундан кейин – Вазирлар Маҳкамасининг 57-сон қарори) **назарда тутилмаган қўшимча турларини белгилаш ҳуқуқини берди. Уни савдоларга етказиб бериш жадвалларини бузиш монополияга қарши қонунларни бузишга тенглаштирилди.***

**Валентина ДУБРОВСКАЯ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси рақобатчилик муҳитини таҳлил қилиш ва шакллантириш бошқармасининг бошлиқ ўринбосари:**



– Вазирлар Маҳкамасининг 57-сон қарори истисносиз барча хўжалик юритувчи субъектларга моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратди ва мазкур маҳсулотга нарх белгилашнинг мақбул бозор механизмларини шакллантириш имконини берди. Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси уни савдоларга қўйишнинг доимий мониторингини юритмоқда, бу эса истеъмол талабини янада тўлароқ қондириш имконини бермоқда.

Бироқ бозордаги вазият ўзгариши мумкин, бу эса, ўз навбатида, 57-сон қарор билан белгиланган, биржа савдолари ва аукционлар орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулот турларининг рўйхатларига ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига вақти-вақти билан тузатишлар киритиш заруратига йўл қўймаслик учун Монополиядан чиқариш давлат қўмитасига муайян монопол маҳсулотга бўлган мавсумий талабдан келиб чиқиб қўшимча рўйхатлар ва жадвалларни шакллантириш имкониятини берадиган қарор қабул қилади, жадвалларга риоя этмаслик эса монополияга қарши қонунларни бузишга тенглаштирилди.

***– Бу биринчи навбатда бевосита кимларга дахл қилиши мумкин?***

– Ўтган йилнинг мониторинги, аслини олганда, деярли барча товар позициялари бўйича биржа савдоларига қўйиш прогнози 100%га бажарилганлигини, баъзи товар *позициялари (маъданли ўғитлар, пахта линти, шакар, кўмир, мис, рух)* бўйича эса ошириб бажарилганлигини кўрсатди. Етказиб беришларнинг мунтазам ва тўлиқ бўлиши талабни қондириш ва ўртача биржа нархларининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди.

Айни вақтда жадвалларни бажармаслик маҳсулотга нисбатан муайян тақчилликни юзага келтириши ва котировкаларнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Чунончи, биржа савдоларига суюлтирилган газни етказиб бериш жадвалига риоя этмаслик, натижада ўртача биржа нархларининг ўсишига олиб келганлик далиллари бўйича Шўртан ДХК томонидан монополияга қарши қонунлар бузилганлиги тўғрисида иш қўзғатдик, корхона томонидан асоссиз равишда **179,9** млн сўм қўшимча фойда олинганлиги аниқланди.

***– Бироқ бугунда корхонага истеъмолчи билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ишлашни тақиқлаш мумкин эмас. Шундай эмасми?***

– Монополиячи корхоналар ўз маҳсулотларини мустақил сота оладилар. Бироқ агар улар барча истеъмолчиларнинг (айниқса кичик бизнесдаги) ресурслардан тенг фойдаланиш қоидасини бузсалар, «хуфия» бозордаги нарх-наво сунъий равишда ўсса, албатта, улар маҳсулотини сотишнинг очиқ-ошкорлиги масаласи юзага келади.

Биржа савдоларида нарх талаб ва таклифнинг нисбатига боғлиқ, маҳсулотга талаб бўлсагина нарх ўсади, ҳар ҳолда, бутун фойда воситачи чайқовчининг ҳамёнига тушмай, балки ишлаб чиқарувчига келади. Корхона қўшимча маблағ ишлаб топиб, уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириши мумкин.

Албатта, агар хўжалик юритувчи субъект йил бошида маҳсулотни етказиб беришга тўғридан-тўғри, расмий шартномалар тузган бўлса, уни ўз маҳсулотини савдоларга қўйишга мажбур эта олмаймиз. Бироқ биз энди улар қандай ишлашлари ва товар қаерга кетаётганлигини таҳлил қилиб борамиз. Пировард истеъмолчи ёхуд воситачилар билан шартнома тузиш ўртасида тафовут катта. Монопол маҳсулотдан фақат уни олиб сотиш билан шуғулланувчилар эмас, балки ҳамма фойдалана олиши керак.

***– Ким муайян маҳсулот турлари бўйича қарорлар қабул қилади, уни савдоларга етказиб беришнинг мажбурий муддатлари ва ҳажмларини белгилайди? Ушбу механизм қанчалик очиқ-ойдин бўлади?***

– Қарорни Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг махсус комиссияси қабул қилади, унда маҳсулотлари ҳақида сўз борадиган корхоналарнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши шарт. Биз уларнинг барча маҳсулоти қолдиқсиз биржага қўйилишини талаб қилмаймиз, бироқ улар билан ҳамкорликда мақбул ҳажмларни ва маҳсулот тақдим этилиши керак бўлган даврларни белгилаймиз. Ҳаммаси очиқ-ойдин ва адолатли бўлиши керак.

Ўтган ойда комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда, жумладан, «Узбеккровля» ОАЖ маҳсулотини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунга рубероид нархи «хуфия» бозорда корхона баёнот берган нархдан икки ҳисса юқорилиги сабаб бўлди. Ҳозир ушбу акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш билан боғлиқ муайян муаммолар мавжуд. Бироқ улар ҳал қилиниши биланоқ маҳсулот жадвалга мувофиқ биржа савдоларига чиқарилади ва истеъмолчи уни анча арзон нархларда сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбир.***

** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 36-сон қарори билан тасдиқланган («Норма маслаҳатчи»нинг 2008 йил 21 мартдаги 12 (141)-сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилган).*

*Бизнинг маслаҳатлар*

# СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИСИЗ

**?** ***Муассисларнинг фаолият якунлари ва 2007 йил учун балансни тасдиқлаш бўйича яқинда ўтказиладиган йиғилиши муносабати билан масъулияти чекланган жамият 2007 йилда олинган фойдага солиқ солиш хусусида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб олмоқчи. Хусусан, агар муассислар фойдани МЧЖда қолдириш ва уни устав фондини кўпайтирмасдан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, капитал қўйилмаларга инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилишса, нима қилиш лозим? Бундай ҳолда дивидендлардан солиқ ушланадими?***

**Галина А.**

– Дивидендлар кўринишида олинган даромадлардан солиқ тўлов манбаида фақат тақсимланмаган фойдани дивидендларни тўлашга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирдагина ва фақат ушбу мақсадларга йўналтириладиган суммадангина ушланади. Масалан, агар тақсимланмаган фойда 32 млн сўмни ташкил қилса ва ундан 15 млн ни дивидендлар сифатида тўлашга қарор қилинса, 10%лик ставка бўйича солиқ айни 15 млн дан ушланади.

Агар мазкур фойдани (бутунлай ёки қисман) такрорий инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилинса, корхонада ҳам, унинг муассисларида ҳам ҳеч қандай солиқ оқибатлари вужудга келмайди. Масалан, агар тақсимланмаган фойда 32 млн сўмни ташкил қилса ва ундан 15 млн ни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қолган суммани эса дивидендларни тўлашга йўналтириш хусусида қарор қабул қилинса, дивидендлардан солиқ 17 млн сўмдан (32 -15) ушланиши керак. Агар тақсимланмаган фойданинг ҳаммаси муассисларнинг қарорига кўра фаолиятни ривожлантиришга, айланма маблағларни тўлдиришга, бошқа шу сингари мақсадларга йўналтирилса, корхонада дивидендлардан солиқ ушлаш мажбурияти уларнинг мавжуд эмаслиги боис вужудга келмайди.

***Тушунтириш «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.***

*Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди*
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

● РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди
Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

**РУКН ТАҚДИМОТИ:**

***Бугун биз «Ҳуқуқий ёрдам» рукни остида дастлабки материални чоп этяпмиз, ушбу рукнда хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик шартномасига оид муносабатлари тўғрисидаги газетхонларнинг саволларига жавоблар ва ушбу мавзудаги материаллар бериб борилади. Рукнни «Norma» МЧЖнинг эксперт юристлари – «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимини ишлаб чиқувчилар юритадилар.***



# БАЖАРМАГАНЛАРГА НЕУСТОЙКА СОЛИНАДИ

**?** ***Фирма у билан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармади ёки уларни лозим даражада бажармади. Энди фирма бунинг учун неустойка тўлаши керак. Неустойканинг ўзи нима ва унинг миқдорини қандай қилиб камайтириш мумкин?***

Неустойка тўлаш – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири. У қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир *(Фуқаролик кодексининг 260-моддаси, бундан кейин – ФК).* Неустойка тўлаш шарти одатда шартноманинг ўзига киритилади, бироқ мустақил келишув ҳам тузиш қонунийдир. Унинг муҳим шартлари бўлиб неустойканинг ва у билан таъминланадиган мажбуриятнинг миқдорини кўрсатиш ҳисобланади. Бунда келишув ёзма шаклда тузилиши кераклигини назарда тутиш лозим *(ФКнинг 262-моддаси),* чунки ушбу шартга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига олиб келади.

ФК 261-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади. Жарима қатъий пул суммасида ҳам, бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбурият суммасидан фоизда ҳам белгиланиши мумкин. Пеняга келсак, у муддатида бажарилмаган мажбуриятнинг тўлаш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кейинги даври учун (одатда ҳар бир кун учун) ундирилади.

Юқорида кўрсатилган шаклларнинг исталганида ундириладиган неустойка қонун ёки шартномада назарда тутилиши мумкин. Биринчи шаклнинг миқдори меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан, иккинчи шаклнинг миқдори тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Хўжалик юритувчи субъектлар, агар қонун ҳужжатларида бошқа миқдор назарда тутилмаган бўлса*, неустойкани айнан меъёрий белгиланган миқдорда қўллашга мажбур эмаслар. Улар неустойка миқдорини кўпайтириб ёки камайтириб, уни келишиб олишга ҳақлилар.

Шартномада неустойка шарти кўрсатилмаган тақдирда кредитор, агар бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, қарздордан уни тўлашни талаб қила олади. Чунончи, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун *(1998 йил 29 август, 670-I-сон, бундан кейин – 670-I-сон Қонун)*нинг 30-моддасида белгиланишича, жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шартномада неустойка тўлашнинг шартларини белгилаб, тадбиркорлик субъектлари кўпинча фақат унинг миқдори ва тўлаш учун асосларни кўрсатиб, неустойка ва зарарларнинг нисбати масаласини очиқ қолдирадилар. Лекин улар уч вариантни:

– фақат неустойка тўлаш;

– зарарларни ҳамда неустойкани тўлаш;

– неустойка ёки зарарларни тўлашни назарда тутишга ҳақлилар.

***Диққат!*** *Амалиётда кўп ҳолларда кредитор фақат неустойка тўлашни талаб қилади, чунки унинг миқдорини исботлаш жуда осон (у шартнома ёки қонунда назарда тутилган). Агар у неустойка ҳамда зарарларни тўлашни талаб қилса, суд томонидан арз қилинган талаб қондирилиши чоғида неустойка тўлиқ, зарарлар эса неустойка билан қопланмаган қисмида, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, ундирилади.*

Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, 670-I-сон Қонун 34-моддасининг учинчи қисмига кўра неустойкани тўлаш ҳамда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Неустойка тўлаш шартларини белгилаганда, тарафлар унинг мажбуриятни бузишнинг эҳтимолий оқибатларига мутаносиблигини ҳам эътиборга олишлари керак *(ФК 326-моддасининг иккинчи қисми).* Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори *(1999 йил 5 февраль, 77-сон, бундан кейин – ОХС Пленумининг 77-сон қарори)* 4-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарорига биноан неустойка миқдори камайтирилиши мумкин, агар:

– неустойка суммаси асосий қарз суммасидан ошса, бунда зарарларнинг неустойка суммасига очиқдан-очиқ номутаносиблиги кўзга ташланади (юқори фоиз, неустойка суммасининг мажбуриятларни бузиш билан етказилган зарарлар суммасидан анчагина ошиши, мажбуриятнинг узоқ вақт бажарилмаслиги ва бошқалар). Ушбу ҳолда нисбат етказилган зарарларни, етказилган зарарлар ҳисоб-китоби, харажатлар сметасини тасдиқлайдиган молиявий ҳужжатлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар асосида белгиланиши мумкин. Баъзан бошланган оқибатларга тўғридан-тўғри дахлдор бўлмаган ҳолатлар ҳам эътиборга олиниши мумкин. Булар – товарлар, ишлар, хизматлар баҳоси, шартнома суммаси ва ҳоказо;

– қарздорнинг мулкий ҳолати, яъни неустойкани тўлиқ ҳажмда тўлаш унинг иқтисодий ночорлигига қадар нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

***Диққат!*** *Тарафларнинг келишуви билан қонунда белгиланган неустойка миқдорининг оширилиши ўз ҳолича ундирилаётган неустойкани камайтириш учун асос бўла олмайди (ОХС Пленумининг 77-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошиси).*

Неустойка миқдорини камайтириш тўғрисидаги низони кўриб чиқишда мажбуриятларнинг қарздор томонидан бажарилиш даражаси, ишда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий ҳолати, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинади. Суд томонидан камайтирилган неустойка суммаси ФКнинг 327-моддасида** назарда тутилган фоизлардан кам бўлиши мумкин эмаслигини эътиборда тутиш зарур.

Судга неустойка миқдорини камайтириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилганда тадбиркорлик субъектлари шуни эътиборда тутишлари лозимки, юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма (филиал, ваколатхона) даъвони фақат бош корхона номидан тақдим эта олади. Бироқ низонинг судловга тегишлилиги алоҳида бўлинма жойлашган жой бўйича белгиланади *(ОХС Пленумининг 77-сон қарори 15-бандининг иккинчи хатбошиси).* Алоҳида бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган даъво аризасига унинг юридик шахс номидан даъво аризасини имзолаш ваколатини тасдиқлайдиган юридик шахснинг ишончномаси илова қилиниши керак. Бундай ваколатнома бўлмаса даъво аризаси ХПК 118-моддасининг 2-бандига асосан кўрилмасдан қайтарилади.

---

** Масалан, агар ижрочи томонидан шартномада назарда тутилган айрим турдаги хизматлар (ишлар)ни бажариш муддати, унинг ҳажми ёки сифати бузилса, неустойка суммаси хизматлар (ишлар) алоҳида тури баҳосидан ёки буюртма баҳосидан ошмаслиги керак (1996 йил 26 апрелдаги 221-I-сон «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг еттинчи қисми).*

*** Мазкур ҳолда кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда ёки суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кунда ёхуд даъво тақдим этилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси тўғрисида сўз бормоқда.*


Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

● РЕКЛАМА

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР
NORMA иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?
Янги Солиқ кодекси чиқдими??
Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС

"АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ"
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар

"АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ"
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

● Тушунтиришлар ● Шарҳлар ● Тавсиялар

Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирмаймиз – Биз тўлиқ ахборот берамиз!

Қўшимча ахборот учун телефонлар: 244-89-17, 244-44-29, 232-18-80

БЕРАТОР – ишлаш ҳам осонлашди!

Акция! Ҳар 3 кунда янгилаш!

Бераторга ёки 15.03. дан 15.04.08й. гача янгилашга ҳақ тўлаганларнинг барчаси электрон почта орқали ҳар 3 кунда қўшимча янгиланишларни оладилар.

Илгари бухгалтер қонун МАТНИНИ ўқиб, уни қўллашга уринарди. Барибир баъзан янглишарди... Энди бухгалтерлар "БЕРАТОР"дан фойдаланадилар, унинг саҳифаларида бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир мавзуси бўйича ВАЗИЯТЛАР алоҳида бобларда берилган (жами 1000 га яқин). Масалан, "Касаллик варақасига ҳақ тўлаш" зарур бобни очсангиз, унда сизнинг вазиятингизга оид тушунтиришлар, мисоллар, проводкалар, бирламчи ҳужжатлар ва қонунларга ҳаволаларни топасиз. Ҳаммаси янги Солиқ кодекси бўйича!

117 минг сўм

Бухгалтерия+Солиқ солиш+йилига 12 та янгилаш = 2 та маълумотномага 117 минг сўм! Ёки 40 минг сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш. Шунингдек CD да ва ўзбек тилида.

Шунингдек "Раҳбар бератори" – фирманинг бутун фаолиятини ўз ичига оладиган 800 та бошқарув вазияти ва "Мансабдор шахслар ва ташкилот жавобгарлиги" бўлими (БЕРАТОРИ борларга 10% чегирма)

Диққат, "Академпресса" ва БТЛнинг янги телефонлари!

Тел.: 241-05-42, 241-06-96, 241-14-10, 380-93-52 (ички назорат бўлими).
Бератор фрагментлари, сарлавҳалар ва шартномалар факс ёки e-mail орқали: uzberator@rambler.ru
Демоверсия www.berator.uz да, вилоятларга етказиб бериш.

Вилоятлардаги вакиллар: Андижон ш. 8-374-2262211, Наманган ш. 8-369-2320273, 3413, Навоий ш. 8-436-2235610, Қўқон ш. 8-37355-28374, Фарғона ш. 8-373-2236199, 998-98576, Самарқанд ш. 8-366(2)-222402, 343250

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қанд-шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Халқ сўзи», 2008 йил 29 март, 63 (4473)-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Олимжон Хамитович **Исмаилов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:

Рустам Убайдуллаевич **Абдуллаев**
Нематжон Ахмеджанович **Акбаров**
Насриддин Наврузович **Даминов**
Холмўмин Буврабоевич **Ёдгоров**
Давлатмирза Казакджанович **Камилов**.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 28 март.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Халқ сўзи», 2008 йил 29 март, 63 (4473)-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин:

Ўктам Каримович **Отаев**
Тоҳиржон Абдулхайевич **Тожибаев**
Бахтиёр Ўразбоевич **Эшимбетов.**

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 28 март.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚАНД-ШАКАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 73-модда)*

Республикада қанд-шакар ишлаб чиқариш ва сотишни кўпайтириш ҳамда «Xorazm Shakar» очиқ акциядорлик жамиятини молиявий соғломлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Xorazm Shakar» очиқ акциядорлик жамияти истисно тариқасида 2008 йил 1 октябргача бўлган муддатга:

четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, механизмлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хом ашё ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа материаллар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 27 март*
*52-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 мартда 1446-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 74-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3 ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 37-модда, 39-сон, 300-модда; 2006 й., 6-7-сон, 44-модда, 28-29-сон, 278-модда; 2007 й., 9-10-сон, 94-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2008 йил 28 мартдан кучга киради.**

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*19-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-15-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 3 март.*

*ЎзР МВ, ДСҚнинг*
*2008 йил 3 мартдаги 19, 2008-15-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика махсуслаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, волоятлараро ва туманлараро) базалари учун – ялпи даромад;

б) воситачилик, топшириқ шартномалари ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун – ҚҚС чегирилган ҳолда комиссион тақдирлаш суммаси;

в) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ҚҚСни чегирган ҳолда, ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми;

г) кредит ва суғурта ташкилотлари учун – даромад;

д) молиявий ижара (лизинг) хизматлари кўрсатадиган корхоналар учун – фоизли даромад;

е) тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун – ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми;

ж) коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун – ҚҚС ва, тегишинча, иссиқлик таъминоти корхоналари учун – иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун – сув, газ таъминоти корхоналари учун – табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми;

з) «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) учун – ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси;

и) иқтисодиётнинг қолган тармоқлари учун – ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми».

2. 6-банднинг иккинчи-тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи якун билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» 111, 2007-66-сон қарорига (2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган – «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 3-4-сон, 15-модда) 13-иловага мувофиқ шаклда тақдим этилади:

микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан – ҳар ойда, ҳисобот давридан (ойидан) кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан (бундан ягона солиқ тўловини тўловчилар мустасно) – ҳар чоракда, ҳисобот давридан (чорагидан) кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида».

3. 7-банддаги «ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай» сўзлари «ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 1 ва 1а-сон иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 12-13-сон, 81-модда)*

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қилади:**

1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*1-сон*

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири***
***С. ИСМОИЛОВ.***
*1/2-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 21 январь.*

---
****2008 йил 5 апрелдан кучга киради.***

---

*Молия вазирлиги ва*
*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг*
*2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш ва улар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

### I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотишни амалга оширадиган фермер хўжаликларига татбиқ этилади.

2. Фермер хўжаликлари бошқа турдаги фаолиятларни амалга оширганда, ушбу фаолият турлари бўйича бухгалтерия ҳисобини алоҳида, қонунчиликка мувофиқ юритади.

3. Ушбу Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (кейинги ўринларда — БҲМС деб юритилади) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг қоидалари билан биргаликда амал қилади.

### II. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича жавобгарлик фермер хўжалигининг бошлиғига (кейинги ўринларда — фермер деб юритилади) юклатилади. Бунда фермер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бош бухгалтер раҳбарлигидаги бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтернинг хизматларидан фойдаланиш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерлик фирмасига юклаш;

в) бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

5. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи фермер хўжаликларига ихтиёрий равишда тақдим этилади.

### III. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЮРИТИШ

6. Фермер хўжаликлари, ўз хўжалик фаолиятларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда шакллантиради. Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликлари томонидан қонунчилик билан белгиланган ягона услубий асослар ва тартибга мувофиқ юритилади.

Бунда фермер хўжалиги қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини, қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда ўз фаолиятининг хусусиятларига мослаштириши мумкин:

а) ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили);

б) аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;

в) бошланғич ҳужжатлар асосида барча хўжалик операцияларининг ҳисоб регистрларида ёппасига акс эттириш;

г) бошланғич ҳужжатлар маълумотларини фермер хўжалигини бошқариш, назорат қилиш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлаш.

7. Фермер хўжаликларида хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга ошилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади.

8. Фермер хўжаликларида тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга (2004 йил 14 январь, рўйхат рақами 1297 — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 1-2-сон, 24-модда) мувофиқ тартибга солинади.

9. Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки ушбу Низомнинг талабларига риоя қилган ҳолда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

10. Фермер хўжалигига келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар албатта текширилиши шарт. Бунда текшириш шакл бўйича (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирилиши), мазмун бўйича (ҳужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғлиқлиги) амалга оширилади.

11. Ҳисобни соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун фермер хўжалиги хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини тузади, бу эса маблағлар ва улар манбаларининг ҳисобини асосий счётлар бўйича юритиш имкониятини яратади ва шу билан мулкнинг мавжудлиги ва сақланиши, мажбуриятларнинг бажарилиши ва

бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлайди.

Фермер хўжаликлари хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон) ва ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган Фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий Счётлар режасига мувофиқ тузади. Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар Режаси фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсатида қонунчиликда белгиланган тартибда акс эттирилиши лозим.

12. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шакли қуйидаги шакллар бўйича юритилиши мумкин:

а) бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли;

б) бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли.

13. Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомда келтирилган бухгалтерия ҳисоби шаклини мустақил танлайди.

14. Бухгалтерия ҳисобининг танланган шаклидан қатъий назар, ҳисобот даврининг хўжалик операциялари хронологик тартибда ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида рўйхатга олиб (қайд этиб) борилади.

Хўжалик операцияларини қайд этиш Журнали китоб шаклида юритилиб, унда хўжалик операцияларининг қайд этилиши ва ҳисоби ҳисобот даври учун ойлар ёки чораклар кесимида юритилади. Бунда, Хўжалик операцияларини қайд этиш Журнали тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан «Мазкур Журналда ....... варақ рақамланган» деб ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан ёзилади.

## IV. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ОДДИЙ ШАКЛИ

15. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби объектларининг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш учун ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ «Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби» регистри қўлланилади. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби китоб шаклида юритилади, унда операциялар ҳисоби бутун ҳисобот йили давомида юритилади. Бунда, Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан «Мазкур Китобда ....... варақ рақамланган» деб ёзилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан ёзилади.

16. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида хўжалик операциялари натижалари активларни, мажбуриятларни, хусусий капитални, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилади.

17. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида ёзувлар тизимли тартибда Хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

18. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби комбинациялашган регистр ҳисобланади, унда фермер хўжаликлари томонидан қўлланиладиган барча счётлар мавжуд бўлади ва уларнинг ҳар бирида хўжалик операциялари ҳисобини юритиш имкониятини яратади. Бунда, баланснинг тегишли моддаларининг мазмунини асослаб бериш учун у етарли даражада батафсил бўлиши лозим. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида ҳар бир қўлланилаётган бухгалтерия счёти учун аниқ бухгалтерия счётлари бўйича ўтган йилларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, хўжалик операцияларининг кутилаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум бетлар ажратилади.

19. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китоби «20__ йил «___»_______ даги қолдиқ» қаторида активларнинг, мажбуриятларнинг ва хусусий капиталнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот даврининг бошида мавжуд бўлган қолдиқ суммаси ёзуви билан очилади. Актив счётларнинг қолдиғи ушбу счётларнинг дебетида, пассив счётлар бўйича қолдиқ эса ушбу счётлар кредитида ёзилади.

20. Ҳар бир қаторда тегишли бухгалтерия счёти бўйича ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида келтирилган бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) маълумотлари асосида позиция усулида хронологик кетма-кетликда амалга оширилади.

21. Ҳар бир ойнинг (чоракнинг) охирида хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида якун чиқарилади ва унга асосан фермер хўжалиги фаолиятининг натижаси аниқланади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Китобида юритилган даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ҳисобот давридаги айланмаси 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

## V. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ШАКЛИ

22. Комбинациялашган шаклга асосланган бухгалтерия ҳисоби бир неча ҳисоб регистрларини (ҳисоб қайдномаларини) қўллаш орқали амалга оширилади. Ҳисоб қайдномаларида ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

23. Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шаклини юритишда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисоб қайдномаларидан фойдаланилади:

а) асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ;

б) молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ;

в) капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ;

г) товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ;

д) боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ;

е) харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ;

ж) бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 10-иловасига мувофиқ;

з) пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 11-иловасига мувофиқ;

и) мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 12-иловасига мувофиқ;

к) ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 13-иловасига мувофиқ;

л) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 14-иловасига мувофиқ;

м) бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 15-иловасига мувофиқ;

н) хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 16-иловасига мувофиқ;

о) ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 17-иловасига мувофиқ;

п) деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 18-иловасига мувофиқ;

р) чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 19-иловасига мувофиқ;

с) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси — ушбу Низомнинг 20-иловасига мувофиқ;

т) соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси — ушбу Низомнинг 21-иловасига мувофиқ;

у) хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси — ушбу Низомнинг 22-иловасига мувофиқ.

24. Ҳар бир қайднома бир ёки бир неча фойдаланилаётган бухгалтерия счётлари бўйича операциялар ҳисоби учун қўлланилади.

Ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси бир вақтнинг ўзида иккита қайдномага ёзилади: биринчисида — счётнинг дебети бўйича кредитланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда («Корреспонденцияланувчи счёт» устунида), иккинчисида эса — корреспонденциянадиган счётнинг кредити бўйича ва худди шундай дебетланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда ёзилади. Иккала қайдномаларда ҳам тегишли устунлар бўйича ёзувлар хўжалик операцияларини қайд этиш Журналида ва бошланғич ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосида содир бўлган операцияларнинг мазмуни асосида амалга оширилади.

Қолдиқлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган қайдномаларда, ҳисобот даврининг бошидаги бухгалтерия ёзувлари, тегишли счётлар бўйича ўтган даврнинг охиридаги қолдиқларни ўтказиш йўли билан бошланади.

Алоҳида қайдномалардаги активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари, ёзувларни амалга оширишга асос бўлган тегишли бирламчи



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 14 (143) • 2008 йил 4 апрель 8

ҳужжатлар (касса ҳисоботлари, банк кўчирмалари ва бошқалар) маълумотлари билан солиштирилиши шарт.

25. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси: асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) бўйича ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счетлар (0300) бўйича асосий воситаларнинг, номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400) бўйича номоддий активларнинг, асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200) бўйича эскиришнинг ва номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500) бўйича амортизациянинг мавжудлиги ва ҳаракатланишининг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри бўлиб ҳисобланади.

Қайдномада асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича маълумотлар позицияли усул билан ҳар бир объект бўйича алоҳида ёзиб борилади.

Агар асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳаракатланиш мавжуд бўлса, ҳар ойда уларнинг айланма суммалари ҳисобланади ва ҳисобот ойидан кейинги 1-санага қолдиқ чиқарилади.

Асосий воситалар бўйича, шу жумладан лизинг шартномаси асосида олинганлари бўйича ҳам эскириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»га (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ ҳисобланади.

Номоддий активлар бўйича амортизация танланган усулга биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 188-модда) мувофиқ ҳисобланади.

Актив қисми бўйича ҳисобланган эскириш (амортизация) суммаларини ва барча асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича жамғарилган эскиришни назорат қилиш учун қайдномада эскиришни (амортизацияни) ўсиб борувчи тартибда ҳисобга олувчи тегишли устунлар кўзда тутилган.

26. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (0600) ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (5800) ҳисобга олинадиган молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

27. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) ҳисобга олинадиган фермер хўжаликларининг асосий воситалар ва номоддий активларга қўйилган инвестициялари, шунингдек маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар асосий подасини шакллантириш бўйича харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

28. Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси материалларни ҳисобга олувчи счётларда (1000) ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) акс эттириладиган товар-моддий захираларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган.

Қайднома бир ой (чорак) учун очилади ва моддий жавобгар шахслар бўйича барча турдаги қимматликлар кесимида уларнинг у ёки бу тури бўйича ҳисобот давридаги ҳаракатланиш бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар алоҳида юритилади.

29. Боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётларда (1100) ҳисобга олинадиган фермер хўжалигига тегишли ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланишини ҳайвонларнинг гуруҳлари бўйича (ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, боқувдаги, яйловдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оиласи; катта ёшдаги чорва моллари, сотиш учун асосий подадан чиқарилган, аҳолидан сотиш учун қабул қилинган чорва моллари ва бошқалар) аналитик ҳисоб учун мўлжалланган. Бунда, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг миқдорий ва суммавий кўрсаткичларининг камайиши тўғрисидаги маълумот ҳайвонлар гуруҳлари бўйича «Хўжалик операцияси мазмуни» устунининг тегишли қаторида «минус» белгиси билан кўрсатилади.

30. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётларда (4000) ҳисобга олинадиган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби учун қўлланилади.

Қайдномада 4010 счётнинг дебети бўйича позицияли усулда, харидор ва буюртмачиларнинг сотилган товар-моддий захиралари ва бошқа активлар учун дебиторлик қарзлари ёзиб борилади. 4010 счётнинг кредитида якуний ҳисоб-китоблар бўйича операциялар (шу жумладан, харидор ва буюртмачилардан олинган авансларни ҳисобга киритиш) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

31. Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжалигининг маҳсулотлар ва бошқа активларни сотиш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган дебиторлик қарзларининг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган. Ушбу қайднома, узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900), 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» счёти, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300), бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400), мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500), ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4700) ва турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётларда (4800) ҳисобга олинадиган бошқа дебитор қарздорликнинг ҳар бир тури учун алоҳида очилади.

32. Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжаликлари томонидан кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5000), ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини (5100), чет эл валютасидаги пул маблағларини (5200), банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларда (5500) ҳисобга олинадиган пул маблағларининг ҳисоби учун қўлланилади.

Пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш, кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш, касса китобини юритиш, касса операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 24 январда 376-сон билан тасдиқланган, Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь) билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномасида ҳисоб-китоб счёти ва банкдаги бошқа счётлар бўйича операциялар ёзувлари банк кўчирмалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счёти бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларда (6000) ҳисобга олинадиган мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун қўлланилади.

Қайдномада 6010 счётнинг кредити бўйича позицияли усул билан олинган моддий қимматликлар учун мол етказиб берувчиларнинг счётлари, шунингдек пудратчиларнинг бажарилган ишлар ва хизматлари учун счётлари ёзилади. 6010 счётнинг дебетида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари бўйича якуний тўлов операциялари, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар кредити билан корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади.

34. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси ҳисобнинг комбинациялашган регистри ҳисобланади, унда 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнаклар» счёти, 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» счёти ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарздорлик» счётлари бўйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби бирлаштирилган.

35. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётларда (6700) ҳисобга олинадиган меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби учун мўлжалланган.

Қайдноманинг «6710 — счёти кредитидан қуйидаги счётлар дебетига» бўлимида фермер хўжалигининг ишчиларига бажарилган ишлар учун қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган меҳнат ҳақи суммалари акс эттирилади.

Қайдноманинг «6710 — счёти дебетидан қуйидаги счётлар кредитига (ушлаб қолинган)» бўлимида ишчиларнинг меҳнат ҳақидан қонунчиликка мувофиқ барча ушланмаларнинг (жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ, берилган бўнаклар суммаси, ҳисобдор шахслар томонидан ўз вақтида қайтарилмаган суммалар, турли корхоналар ва шахслар фойдасига ижро варақалари бўйича суммалар ва бошқалар) суммаси акс эттирилади. «Тўланади» устунида ишчиларга тўланиши лозим бўлган сумма акс эттирилади.

Қайднома тўлов ҳужжати ҳам ҳисобланади ва фермер хўжалиги ишчиларига меҳнат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган.

Фермер хўжалиги ходимларига тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи ўз вақтида тўланмаган ҳолатда, ушбу қайдноманинг «Тўланади» устунида «Депонентланган» деб ёзилади

ва кўрсатилган сумма ҳар бир ходим бўйича (позицияли усулдаги ёзув билан) кейинги ойнинг қайдномасида «20__ й ________даги қолдиқ (ходим олдидаги қарздорлик)» устунига ўтказилади.

36. Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси, фермер хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган бошқа мажбуриятларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби учун мўлжалланган. Ушбу қайднома, кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларда (6200), олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётларда (6300), бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётларда (6500), қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6800) ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» счётидан ташқари турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6900) ҳисобга олинадиган бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича кредиторлар кесимида алоҳида очилади.

37. Хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси, ҳисобот даври учун фермер хўжалиги хусусий капиталининг ҳолати ва ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотни уни шакллантириш манбалари бўйича акс эттириш учун мўлжалланган. Ушбу қайднома фермер хўжаликлари томонидан устав капиталини (8300), резерв капиталини (8500), тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) (8700) ва мақсадли тушумларни (8800) ҳисобга олувчи счётларда ҳисоби юритиладиган хусусий капиталнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш учун қўлланилади.

38. Ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси, ҳисобот даври харажатларини (сарфини) ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган, давр харажатлари бўйича умумлаштириш учун қўлланилади. Ушбу регистрда ҳисобот даврининг харажатлари (сарфлари) ҳақидаги маълумот 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400) айланмасидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400) дебетидаги харажатлар турли счётларнинг кредитларидан бошқа қайдномалардаги маълумотлар ва бевосита алоҳида бирламчи ҳужжатлардаги маълумотлардан йиғилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотларига (ишлар, хизматларга) сарфланган харажатлар аниқланиши билан уларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва улар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти ва 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларининг кредитидан маҳсулотлардан (ишлар, хизматлардан) фойдаланиш йўналишларига қараб тегишли счётларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади — омборга (2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти), реализацияга (9110 «Реализация қилинган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти), ҳисобот даврининг якунида эса давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг (9400) айланмаси суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ёпилади.

39. Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси моддалар бўйича йил бошидан бошлаб ўсиб бориш тартибида харажатларнинг, шунингдек маҳсулот чиқишининг аналитик ҳисоби учун мўлжалланган.

40. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси моддалар бўйича йил бошидан бошлаб ўсиб бориш тартибида харажатларнинг, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари чиқишининг аналитик ҳисоби учун мўлжалланган.

41. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси ёрдамчи ишлаб чиқариш ва кўрсатиладиган хизматлар (бажариладиган ишлар) харажатлари турлари бўйича аналитик ҳисобни юритишга мўлжалланган. Харажатлар 2310 счётнинг дебетида харажатлар моддалари бўйича кредитланадиган счётларни кўрсатган ҳолда акс эттирилади. Хизматлар 2310 счётининг кредитидан ҳисобот даври давомида режали таннарх бўйича кўрсатилган хизматларни ҳисобот даври якунида ҳақиқий таннарх даражасигача тузатиб берилган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

42. Соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси фермер хўжаликларининг ҳисобот даврида соф фойдани (соф зарарни) ҳисоблаб чиқиш учун олинган даромадлар ва сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

43. Фермер хўжалигининг ҳисобот даври қайдномаларида (деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаларидан ташқари) акс эттирилган молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини умумлаштириш, хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида амалга оширилади.

Ҳисобот даврининг якунида ҳар бир счётнинг дебет ва кредити бўйича айланмаси ҳисобланади ва ҳисобот даврининг охирига (кейинги ҳисобот даврининг бошига) қолдиқ чиқарилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси синтетик ҳисоб регистри саналади, унинг асосида ҳисобот даврининг охирида маблағларнинг ва улар манбаларининг мавжудлигини аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузиш мумкин.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномаси ҳисобот даври учун очилади ва унда ҳисобот давридаги операциялар ҳисоби умумлаштирилади. Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасининг сўнгги варағи фермер ёки қонунчиликда белгиланган тартибда у томонидан белгиланган шахс томонидан имзоланади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасининг «Счётнинг рақами ва номи» устунида бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилган барча счётлар келтирилади ва «20___ й. «___» _______ даги қолдиқ» устунига маблағлар турлари ва уларнинг манбалари бўйича ҳисобот даври бошидаги мавжуд қолдиқ суммалари ўтказилади. Актив счётларнинг қолдиқлари ушбу устуннинг «дебет» қисмида, пассив счётлар бўйича эса — «кредит» қисмида ёзилади. Шундан сўнг, «20___ йил ______ учун жами айланма» устунида шу ҳисобот давридаги ушбу счётлар айланмаларининг жамиси ёзилади. «20___ й. «__» ______ даги қолдиқ» устунида активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот даврининг якунидаги мавжуд қолдиқ суммалари аниқланади. «Қайднома номи» устунида эса келтирилган счётда ҳисоб объекти юритиладиган қайдноманинг номи кўрсатилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига ўтказилади.

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Жамланма қайдномасида келтирилган ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг айланмаси 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

## VI. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

44. Фермер хўжаликлари 1-сонли шакл — бухгалтерия баланси, 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва 2а-сонли шакл — дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномалардан иборат бўлган, фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тақдим қилади.

45. Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги» буйруғи билан белгиланган (2003 йил 24 январь, рўйхат рақами 1209 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 1-2-сон) шаклларда ва тартибда амалга оширилади.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

46. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШОВ.***

***Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси в.б.***
***Т.БОЗОРОВ.***

*Тошкент ш., 2008 йил 5 март.*

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА*

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАМУНАВИЙ СЧЁТЛАР РЕЖАСИ

| *Счётлар т/р* | *Счётлар номи* | *Счётлар тури* |
|---|---|---|
| | **I қисм. Узоқ муддатли активлар** | |
| | **I бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар** | |
| **0100** | **Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0110 | Ер | |
| 0111 | Ерни ободонлаштириш | |
| 0112 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш* | |
| 0120 | Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар | |
| 0130 | Машина ва асбоб-ускуналар | |
| 0140 | Мебель ва офис жиҳозлари | |
| 0150 | Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси | |
| 0160 | Транспорт воситалари | |
| 0170 | Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар | |
| 0180 | Кўп йиллик ўсимликлар | |
| 0190 | Бошқа асосий воситалар | |
| **0200** | **Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар** | **КА** |
| 0211 | Ерни ободонлаштиришнинг эскириши | |
| 0212 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши | |
| 0220 | Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши | |
| 0230 | Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши | |
| 0240 | Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши | |
| 0250 | Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши | |
| 0260 | Транспорт воситаларининг эскириши | |
| 0270 | Ишчи ҳайвонларнинг эскириши | |
| 0280 | Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши | |
| 0290 | Бошқа асосий воситаларнинг эскириши | |
| 0299 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши | |
| **0300** | **Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0310 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар | |
| **0400** | **Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0410 | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау | |
| 0440 | Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари | |
| 0490 | Бошқа номоддий активлар | |
| **0500** | **Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар** | **КА** |
| 0510 | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси | |
| 0540 | Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси | |
| 0590 | Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси | |
| **0600** | **Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0610 | Қимматли қоғозлар | |
| 0690 | Бошқа узоқ муддатли инвестициялар | |
| **0800** | **Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0810 | Тугалланмаган қурилиш | |
| 0820 | Асосий воситаларни харид қилиш | |
| 0830 | Номоддий активларни харид қилиш | |
| 0840 | Асосий подани шакллантириш | |
| 0850 | Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар | |
| 0860 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар | |
| 0890 | Бошқа капитал қўйилмалар | |
| **0900** | **Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 0920 | Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар | |
| 0940 | Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар | |
| 0990 | Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар | |
| | **II қисм. Жорий активлар** | |
| | **II бўлим. Товар-моддий захиралари** | |
| **1000** | **Материалларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 1010 | Хом-ашё ва материаллар | |
| 1020 | Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар | |
| 1030 | Ёқилғи | |
| 1040 | Эҳтиёт қисмлар | |
| 1060 | Идиш ва идишбоб материаллар | |
| 1070 | Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар | |
| 1080 | Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари | |
| 1090 | Бошқа материаллар | |
| **1100** | **Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 1110 | Ўстиришдаги ҳайвонлар | |
| 1120 | Боқувдаги ҳайвонлар | |
| **2000** | **Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 2010 | Асосий ишлаб чиқариш | |
| **2300** | **Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 2310 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш | |
| **2500** | **Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 2510 | Умумишлаб чиқариш харажатлари | |

** Кейинги ўринларда «узоқ муддатли ижара» лизинг тушунчасини ҳам ўз ичига олади.*

| Счётлар т/р | Счётлар номи | Счётлар тури |
|---|---|---|
| **2600** | **Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 2610 | Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар | |
| **2800** | **Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 2810 | Омбордаги тайёр маҳсулотлар | |
| 2820 | Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар | |
| 2830 | Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар | |
| | **III бўлим. Келгуси давр харажатлари — жорий қисми** | |
| **3100** | **Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 3110 | Олдиндан тўланган ижара ҳақи | |
| 3120 | Олдиндан тўланган хизмат ҳақи | |
| 3190 | Бошқа келгуси давр харажатлари | |
| | **IV бўлим. Олинадиган счётлар — жорий қисми** | |
| **4000** | **Олинадиган счётлар** | **А** |
| 4010 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар | |
| **4200** | **Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4210 | Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар | |
| 4220 | Хизмат сафарларига берилган бўнаклар | |
| 4230 | Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар | |
| 4290 | Ходимларга берилган бошқа бўнаклар | |
| **4300** | **Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4310 | ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар | |
| 4320 | Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар | |
| 4330 | Бошқа берилган бўнаклар | |
| **4400** | **Бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4410 | Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича) | |
| **4500** | **Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4520 | Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари | |
| **4600** | **Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4610 | Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи | |
| **4700** | **Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4710 | Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи | |
| 4720 | Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи | |
| 4730 | Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи | |
| 4790 | Ходимларнинг бошқа қарзлари | |
| **4800** | **Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 4810 | Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар | |
| 4820 | Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар | |
| 4830 | Олинадиган фоизлар | |
| 4840 | Олинадиган дивидендлар | |
| 4850 | Олинадиган роялти | |
| 4860 | Даъволар бўйича олинадиган счётлар | |
| 4890 | Бошқа дебиторлар қарзлари | |
| **4900** | **Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар** | **КА** |
| 4910 | Даргумон қарзлар бўйича резерв | |
| | **V бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар** | |
| **5000** | **Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5010 | Миллий валютадаги пул маблағлари | |
| **5100** | **Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5110 | Ҳисоб-китоб счёти | |
| **5200** | **Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5210 | Мамлакат ичидаги валюта счётлари | |
| **5500** | **Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5510 | Аккредитивлар | |
| 5520 | Чек дафтарчалари | |
| 5530 | Бошқа махсус счётлар | |
| **5600** | **Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5610 | Пул эквивалентлари (турлари бўйича) | |
| **5700** | **Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5710 | Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари | |
| **5800** | **Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5810 | Қимматли қоғозлар | |
| 5830 | Берилган қисқа муддатли қарзлар | |
| 5890 | Бошқа жорий инвестициялар | |
| **5900** | **Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар** | **А** |
| 5910 | Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар | |
| 5920 | Бошқа жорий активлар | |
| | **III қисм. Мажбуриятлар** | |
| | **VI бўлим. Жорий мажбуриятлар** | |
| **6000** | **Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар** | **П** |
| 6010 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар | |
| **6200** | **Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар** | **П** |
| 6230 | Бошқа кечиктирилган даромадлар | |
| 6240 | Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар | |
| 6290 | Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар | |
| **6300** | **Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар** | **П** |
| 6310 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар | |

| Счётлар т/р | Счётлар номи | Счётлар тури |
|---|---|---|
| 6320 | Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар | |
| 6390 | Бошқа олинган бўнаклар | |
| **6400** | **Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6410 | Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича) | |
| **6500** | **Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6520 | Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар | |
| **6600** | **Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6610 | Тўланадиган дивидендлар | |
| **6700** | **Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6710 | Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар | |
| 6720 | Депонентланган иш ҳақи | |
| **6800** | **Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6810 | Қисқа муддатли банк кредитлари | |
| 6820 | Қисқа муддатли қарзлар | |
| **6900** | **Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 6910 | Тўланадиган қисқа муддатли ижара | |
| 6920 | Ҳисобланган фоизлар | |
| 6930 | Роялти бўйича қарз | |
| 6950 | Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми | |
| 6960 | Даъволар бўйича тўланадиган счётлар | |
| 6970 | Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз | |
| 6990 | Бошқа мажбуриятлар | |
| | **VII бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар** | |
| **7200** | **Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 7230 | Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар | |
| 7240 | Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар | |
| 7290 | Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар | |
| **7800** | **Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 7810 | Узоқ муддатли банк кредитлари | |
| 7820 | Узоқ муддатли қарзлар | |
| **7900** | **Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 7910 | Тўланадиган узоқ муддатли ижара | |
| 7920 | Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар | |
| | **IV қисм. Хусусий капитал** | |
| | **VIII бўлим. Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар** | |
| **8300** | **Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 8330 | Пай ва улушлар | |
| **8400** | **Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар** | |
| 8420 | Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи | |
| **8500** | **Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар** | П |
| 8510 | Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар | |
| 8520 | Резерв капитали | |
| 8530 | Текинга олинган мулк | |
| **8700** | **Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар** | |
| 8710 | Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) | |
| 8720 | Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар) | |
| **8800** | **Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар** | |
| 8810 | Грантлар | |
| 8820 | Субсидиялар | |
| 8840 | Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари | |
| 8890 | Бошқа мақсадли тушумлар | |
| **8900** | **Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар** | |
| 8910 | Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари | |
| | **V қисм. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши** | |
| | **IX бўлим. Даромадлар ва харажатлар** | |
| **9000** | **Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9010 | Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар | |
| **9100** | **Реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9110 | Реализация қилинган тайёр маҳсулотларнинг таннархи | |
| **9200** | **Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9210 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши | |
| 9220 | Бошқа активларнинг чиқиб кетиши | |
| **9300** | **Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9310 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда | |
| 9320 | Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда | |
| 9330 | Ундирилган жарима, пеня ва устамалар | |
| 9340 | Ўтган йиллар фойдалари | |
| 9350 | Қисқа муддатли ижарадан даромадлар | |
| 9360 | Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар | |
| 9380 | Текинга олинган молиявий ёрдам | |
| 9390 | Бошқа операцион даромадлар | |
| **9400** | **Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9410 | Реализация харажатлари | |
| 9420 | Маъмурий харажатлар | |
| 9430 | Бошқа операцион харажатлар | |
| **9500** | **Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |

| Счётлар т/р | Счётлар номи | Счётлар тури |
|---|---|---|
| 9510 | Роялти бўйича даромадлар | |
| 9520 | Дивидендлар кўринишидаги даромадлар | |
| 9530 | Фоизлар кўринишидаги даромадлар | |
| 9540 | Валюталар курслари фарқидан даромадлар | |
| 9550 | Узоқ муддатли ижарадан даромадлар | |
| 9560 | Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар | |
| 9590 | Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари | |
| **9600** | **Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9610 | Фоизлар кўринишидаги харажатлар | |
| 9620 | Валюталар курслари фарқидан зарарлар | |
| 9690 | Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар | |
| **9700** | **Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9710 | Фавқулоддаги фойдалар | |
| 9720 | Фавқулоддаги зарарлар | |
| **9800** | **Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9820 | Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар | |
| **9900** | **Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар** | Т |
| 9910 | Якуний молиявий натижа | |
| | **VI қисм. Балансдан ташқари счётлар** | |
| 001 | Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар | БТ |
| 002 | Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар | БТ |
| 006 | Қатъий ҳисобот варақлари | БТ |
| 010 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар | БТ |
| 011 | Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк | БТ |
| 013 | Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) | БТ |
| 014 | Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари | БТ |

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

**Хўжалик операцияларини қайд этиш**
**Журнали**
**20___ йил _________________учун**
**Ташкилот _______________________________________**
**Фаолият тури ____________________________________**

| Т/р | Сана | Бошланғич ҳужжатнинг номи ва рақами | Операциянинг мазмуни | Сумма | Счёт рақами | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | дебет | кредит |
| | | | 20___й. ________________учун | | | |
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | 20___й. ________________учун | | | |
| 1 | | | | | | |
| 2 | | | | | | |
| | | | ва ҳ. к. | | | |

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

**Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш**
**Китоби**
**20___ йил _________________учун**
**Ташкилот _______________________________________**
**Фаолият тури ____________________________________**

**Счётнинг рақами ва номи ________________________________**

| Т/р | Сана | Ҳужжатнинг номи ва рақами | Счёт бўйича айланма | | Қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | дт | кт | дт | кт |
| 20___й. «____» __________даги қолдиқ | | | | | | |
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 20___й. ___________ учун жами айланма | | | | | | |
| 20___й. «____» __________даги қолдиқ | | | | | | |

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*4-ИЛОВА*

## Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси
**20 ___ йил ______________ учун**
**Ташкилот ________________________________________**

| Объектлар номи | Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати | | | | | Тўпланган эскириш | | | | | Қолдиқ қиймати | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | йил бошига қолдиқ | қайта баҳолаш | келиб тушиши | чиқиб кетиши | йил охирига қолдиқ | йил бошига қолдиқ | қайта баҳолаш | чиқиб кетиши | ҳисобланган | йил охирига қолдиқ | йил бошига қайта баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда | йил охирига |
| Асосий воситаларни (0110 — 0190), узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни (0300) ва уларнинг эскиришини (0210 — 0299) ҳисобга олувчи счётлар | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| Номоддий активларни (0410 — 0490) ва уларнинг амортизациясини (0510 — 0590)ҳисобга олувчи счётлар | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

Фермер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*5-ИЛОВА*

## Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси
**20__йил ______________ учун**
**Ташкилот ________________________________________**
**__________ - счёт бўйича**

| Т/р | Сана | Молиявий инвестициялар номи | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | акциялар | | | | | облигациялар | | | | | бошқа инвестициялар | | | | |
| | | кор. счёт | келиб тушиши | | чиқими | | кор. счёт | келиб тушиши | | чиқими | | кор. счёт | келиб тушиши | | чиқими | |
| | | | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси |
| 20__й. ______даги қолдиқ | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 20__й. _____ учун жами айланма | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 20__й. ______даги қолдиқ | | | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*6-ИЛОВА*

## Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси
**20___ йил ______________ учун**
**____________ - счёт бўйича**

| Т/р | Капитал қўйилмалар объектларининг номи | Ўлчов бирлиги | 20__й. ______ даги қолдиқ | | Келиб тушган ва счётнинг дебети бўйича қуйидаги счётлар кредитида акс эттирилган | | | | Чиқим бўлган ва счётнинг кредити бўйича қуйидаги счётлар дебетида акс эттирилган | | | | 20__й. ______ даги қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | | |
| | | | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси |
| 1 | 2 | 3 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер _____________ _____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*7-ИЛОВА*

## Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ______________ учун ______- счёт бўйича

| Т/р | Материаллар ва тайёр маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | ТМЗ баҳоси (таннархи) | 20__й. _____ даги қолдиқ | | Келиб тушган ва счётнинг дебети бўйича қуйидаги счётлар кредитида акс эттирилган | | | | Чиқим бўлган ва счётнинг кредити бўйича қуйидаги счётлар дебетида акс эттирилган | | | | 20__й. _____ даги қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | ____ - счёт | | | |
| | | | | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси | миқдори | суммаси |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| Материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1010 — 1090) | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар (2810 — 2830) | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*8-ИЛОВА*

## Боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш қайдномаси
## 20___ йил ______________ учун
## _________ - счёт бўйича

| Хўжалик операциясининг мазмуни | Боқувдаги ва ўстиришдаги ҳайвонлар гуруҳи | | | | | | | | | | | | Корреспонденциялanувчи счётлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | қўй | | | эчки | | | бузоқ | | | ва ҳ. к. | | | | |
| | бош | оғирлиги, кг | суммаси | бош | оғирлиги, кг | суммаси | бош | оғирлиги, кг | суммаси | бош | оғирлиги, кг | суммаси | дебет | кредит |
| 20__й. ____ даги қолдиқ | | | | | | | | | | | | | x | x |
| 1. | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами: | | | | | | | | | | | | | x | x |
| 20__й. ____ даги қолдиқ | | | | | | | | | | | | | x | x |

Фермер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*9-ИЛОВА*

## Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__йил____________________учун
## __________ - счёт бўйича

| Т/р | Харидор | Олинадиган счётларнинг 20__й.______ даги қолдиғи | Ҳужжат рақами ва санаси | Сотилган маҳсулот номи | 4010 -счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредити бўйича | | | | 4010 -счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебети бўйича | | | | Олинадиган счётларнинг 20__й.______ даги қолдиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ___ - счёт | ____ - счёт | _____- счёт | жами | ___ - счёт | ____ - счёт | _____ -счёт | жами | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*10-ИЛОВА*

## Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__йил__________________ учун
## __________ - счёт бўйича

| Дебиторлар номи | 20__й. __________ даги қолдиқ | ______ - счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига | | | | ______ - счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига | | | | | 20__й. __________ даги қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | дебет | ____ - счёт | ____ - счёт | ____ - счёт | жами | ____ - счёт | ____ - счёт | ____ - счёт | ____ - счёт | жами | дебет |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*11-ИЛОВА*

## Пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20___ йил __________________ учун
## Ташкилот ______________________________
## __________ - счёт бўйича

| Т/р | Сана | Корреспонденцияланувчи счёт | Кирим (Дебет) | Чиқим (Кредит) |
|---|---|---|---|---|
| 20__й. ____________ даги қолдиқ | | | | |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| | | | | |
| 20__й. ________ учун жами айланма | | | | |
| 20__й. ____________ даги қолдиқ | | | | |

Фермер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*12-ИЛОВА*

## Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ______________ учун

| Т/р | Ҳужжат-нинг рақами ва санаси | Мол етказиб берувчи | 20__й.______ _ даги қолдиқ | 6010-счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига | | | | | 6010-счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига | | | | | 20__й.____ _ даги қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ____ - счёт | ____ - счёт | ____ - счёт | ___ - счёт | жа-ми | ____ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | жа-ми | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*13-ИЛОВА*

## Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ______________ учун
## __________ - счёт бўйича

| Т/р | Ҳисобдор шахслар Ф.И.Ш. | 20__й._______ даги қарздорлик қолдиги | | Берилган | | | | | Ишлатилган | | | | | 20__й._______даги қарздорлик қолдиги | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фермер хўжалиги олдидаги | ҳисобдор шахс олдидаги | ҳужжат | | кор. счёт | | сумма | ҳужжат | | кор. счёт | | сум-ма | фермер хўжа-лиги олдидаги | ҳисобдор шахс олдидаги |
| | | | | № | сана | дт | кт | | № | сана | дт | кт | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*14-ИЛОВА*

## Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси
**20__ йил ____________ учун**

| | Ф.И.Ш. | Лавозими | 20__й ____ даги қолдиқ (ходим олдидаги қарздорлик) | 6710-счёт кредитидан қуйидаги счётлар дебетига | | | | | 6710-счёт дебетидан қуйидаги счётлар кредитига (ушлаб қолинган) | | | | | Тўланади | Олувчининг имзоси | ШЖПС* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ___- счёт | ___- счёт | ___- счёт | ___- счёт | жами | бўнак (4210) | жис. шахс. даромад солиғи (6410) | бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси (6520) | касаба уюшмасига ажратма (6990) | жами | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 1. | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

**Шахсий жамғарма пенсия счёти (маълумот тариқасида).*

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*15-ИЛОВА*

## Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси
**20__ йил__________учун**
**________________ - счёт бўйича**

| Бошқа кредитор номи | 20__й. ________ даги қолдиқ | ______- счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига | | | | ______- счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига | | | | | 20__й. ________ даги қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | кредит | ____- счёт | ____- счёт | ____- счёт | жами | ____- счёт | ____- счёт | ____- счёт | ____- счёт | жами | кредит |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*16-ИЛОВА*

## Хусусий капиталнинг ҳисобга олиш қайдномаси
**20__ йил ______________ учун**

| № | Хўжалик операциясининг мазмуни | Хусусий капитални ҳисобга олувчи счётлар дебети бўйича қуйидаги счётнинг кредитига | Хусусий капитални ҳисобга олувчи счётлар кредитидан қуйидаги счётлар дебетига: устав капитали (8300) | | қўшилган капитал (8400) | | резерв капитали (8500) | | тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | | мақсадли тушумлар ва бошқалар (8800) | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | счёт рақами | кор. счёт | сумма | кор. счёт | сумма | кор. счёт | сумма | кор. счёт | сумма | кор. счёт | сумма | сумма |
| 20__й.______даги қолдиқ | | | x | | x | | x | | x | | x | | |
| 1. | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | |
| Жами 20__й.______учун | | | | | | | | | | | | | |
| 20__й.______даги қолдиқ | | | x | | x | | x | | x | | x | | |

Фермер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*17-ИЛОВА*

## Ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ____________________ учун

| Т/р | Харажатлар моддалари | ______ - счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига | | | | | | | | ______ - счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | жами | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | ___ - счёт | жами |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| | 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400) | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*18-ИЛОВА*

## Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил __________ учун

| Т/р | Харажат моддалари | Аналитик ҳисоб объектлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | пахта хом ашёси | | | жорий йил буғдой ҳосили | | |
| | | йил бошидан | ой учун | жами | йил бошидан | ой учун | жами |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | **I. Ўсимликчилик харажатлари** | | | | | | |
| | Меҳнат ҳақи | | | | | | |
| | Ягона ижтимоий тўлов | | | | | | |
| | Уруғлар | | | | | | |
| | Минерал ўғитлар | | | | | | |
| | Маҳаллий ўғитлар | | | | | | |
| | Нефть маҳсулотлари | | | | | | |
| | Асосий воситалар эскириши | | | | | | |
| | Асосий воситаларни таъмирлаш | | | | | | |
| | Автотранспорт | | | | | | |
| | Бошқа харажатлар | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | | |
| | 20 й.______ даги қолдиқ | | | | | | |
| | **Ҳаммаси** | | | | | | |
| | **II. Ўсимликчилик маҳсулотлари чиқиши** | | | | | | |
| | Пахта хом ашёси, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Буғдой, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Сомон, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | Жами маҳсулот, сўм | | | | | | |

Фермер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ______________ ______________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга*
*19-ИЛОВА*

## Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ______________ учун

| Т/р | Харажат моддалари | Аналитик ҳисоб объектлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | асосий пода | | | ёш ҳайвонлар | | |
| | | йил бошидан | ой учун | жами | йил бошидан | ой учун | жами |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | **I. Чорвачилик харажатлари** | | | | | | |
| | Меҳнат ҳақи | | | | | | |
| | Ягона ижтим. тўлов | | | | | | |
| | Ем-хашак | | | | | | |
| | Асосий воситалар эскириши | | | | | | |

| Т/р | Харажат моддалари | Аналитик ҳисоб объектлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | асосий пода | | | ёш ҳайвонлар | | |
| | | йил бошидан | ой учун | жами | йил бошидан | ой учун | жами |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| I. Чорвачилик харажатлари | | | | | | | |
| | Асосий воситаларни таъмирлаш | | | | | | |
| | Автотранспорт | | | | | | |
| | Бошқа харажатлар | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | | |
| II. Чорвачилик маҳсулотлари чиқиши | | | | | | | |
| | Сут, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Гўшт, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Бузоқ, бош | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Ортган вазни, ц | | | | | | |
| | Қиймати, сўм | | | | | | |
| | Гўнг, сўм | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | Жами маҳсулот чиқиши, сўм | | | | | | |

Фермер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 20-ИЛОВА*

## Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш қайдномаси
## 20__ йил ____________ учун

| Т/р | Харажат моддалари | Кор. счёт | Айланма | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | йил бошидан | ой учун | жами |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| I. Харажатлар | | | | | |
| 1. | Меҳнат ҳақи | | | | |
| 2. | Ягона ижтимоий тўлов | | | | |
| 3. | Асосий воситалар эскириши | | | | |
| 4. | ... | | | | |
| | **Жами харажатлар** | | | | |
| II. Хизматлар | | | | | |
| 6. | Миқдори, тонна/км. | х | | | |
| 7. | Қиймати, сўм | х | | | |
| III. Хизматлар тақсимланиши | | | | | |
| 8. | Ўсимликчилик | | | | |
| 9. | Чорвачилик | | | | |
| | **Жами** | х | | | |

Фермер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 21-ИЛОВА*

## Соф фойда (зарар)ни ҳисоблаш қайдномаси
## 20 ___ йил ________________ учун

| Даромадлар (счётлар бўйича) | | | | | | | Харажатлар (счётлар бўйича) | | | | | | Соф фойда (зарар) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | жами даро-мадлар | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | ___-счёт | жами хара-жатлар | ҳисобот даври учун | йил бошидан |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

Фермер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

*Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 22-ИЛОВА*

## Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш
## Жамланма қайдномаси
## 20 __ йил ____________ учун

**Ташкилот** ________________________________________

**Фаолият тури** ________________________________________

| Т/р | Счётнинг рақами ва номи | 20__й. «___» ________ даги қолдиқ | | 20___й. ________ учун жами айланма | | 20__й. «___» ________ даги қолдиқ | | Қайднома номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | дт | кт | дт | кт | дт | кт | |
| 1. | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

Фермер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

Бухгалтер ____________ ____________________
имзо Ф.И.Ш.

***Кўпинча ихтилофдаги тарафлар хўжалик судида даъволашишни бошлаб, охир-оқибат низони умумий тарзда ҳал қилишга мустақил равишда киришдилар ва уни ҳал қилиш шартлари тўғрисида келишиб оладилар. Мазкур ҳолда тарафлар келишув битими тузадилар. Бироқ ушбу ҳужжатда қайд этилган шартлар ҳақиқатан ҳам ишлаши ва юридик кучга эга бўлиши учун бир қатор муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш зарур.***

# КЕЛИШУВ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

## КЕЛИШУВ ТЎҒРИСИДА

Суддаги низо иштирокчилари томонидан тузиладиган келишув битими юридик ҳужжат бўлиб, унинг воситасида низо иштирокчилари низо бўйича келишувга мустақил равишда, унга доир суднинг ҳал қилув қарори чиқарилмасдан эришилганлигини тасдиқлайдилар. Битим ҳар қандай инстанцияда низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар суд жараёнининг исталган босқичида тузилиши мумкин *(Хўжалик процессуал кодексининг 40-моддаси, бундан кейин – ХПК)*. Бундан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан қатъи назар тарафлар апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида, шунингдек ижро ишини юритишда ҳам ишни келишув билан тугатишлари мумкинлиги келиб чиқади.

*ХПК 1998 йил 1 январдан кучга кириши билан (1997 йил 30 августдаги 478-I-сон Қонун билан тасдиқланган) иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати хўжалик суди томонидан тарафларнинг келишув битими тасдиқланиши асоси билан тўлдирилди. Илгари амал қилган ХПК (1993 йилги) бундай имкониятни назарда тутмаган эди.*

## БИТИМ ТУЗАМИЗ

ХПКнинг 132-моддасига мувофиқ тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма равишда расмийлаштирилади. Даъвогар ва жавобгар унинг тарафлари бўлишлари мумкин. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қиладиган учинчи шахс ҳам келишув битимининг иштирокчиси бўлиши мумкин, чунки даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади *(ХПКнинг 41-моддаси)*. Шуни эътиборга олиш лозимки, мазкур ҳуқуқ ишончномада махсус назарда тутилган бўлсагина тарафларнинг вакиллари келишув битими тузишлари мумкин *(ХПКнинг 52-моддаси)*.

Келишув битимини амалда барча ишлар бўйича тузиш мумкин. Бироқ ҳар ҳолда баъзи истиснолар бор. Масалан, келишув битими тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича назорат қилувчи орган билан тадбиркорлик субъекти ўртасида[1], шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган далилларни белгилаш хусусидаги ишларни кўриш чоғида (бу ҳолда ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд эмас, шунингдек битим иштирокчилари бўлиши мумкин бўлган тарафлар йўқ) тузилиши мумкин эмас.

*Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2006 йил 17 апрелдаги 10-0514/12532-сон қарори билан хўжалик судининг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида 2006 йил 24 январдаги ажрими бекор қилинди, чунки у шартли тусда эди: матннинг охирги хатбошисида тарафлар «битим тарафлар томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда юридик кучини йўқотиши»ни назарда тутганлар.*

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланади, бу ҳақда ажрим чиқарилади *(ХПКнинг 132-моддаси)*. Фақат битим шартлари қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, шунингдек ўз ичига бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган меъёрларни олган ҳолдагина суд уни тасдиқлашдан бош тортиши мумкин *(ХПКнинг 40-моддаси)*. Бироқ хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашдан бош тортиш тўғрисида ажрим чиқарилиши ҳам янги келишув битимини тузишга уринишга тўсқинлик қилмайди.

## НИМАНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

Ўз мазмунига кўра келишув битими суднинг ҳал қилув қарорига ўхшайди. Масалан, унга пул топшириш билан боғлиқ шартлар киритилганида тарафлар пул суммаларининг умумий миқдорини кўрсатишлари керак. Бунда асосий қарз миқдорлари, зарарлар, неустойка суммалари ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида кўрсатиш лозим. Ижро этаётганда мазмуни борасида ноаниқликлар ва низолар юзага келмаслиги учун тузилган келишув битимининг шартлари аниқ ҳамда равшан баён этилиши даркор[2].

Чунончи, банкротлик тўғрисидаги ишларда келишув битими тузилаётганида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг *(2003 йил 24 апрелдаги 474-II-сон Қонун таҳририда)* 148-моддасига амал қилиш лозим. Ушбу моддага кўра келишув битимида мажбурий шартлар бўлиши керак ва факультатив (қўшимча) шартлар бўлиши мумкин. Мажбурий шартларга қуйидагилар киради: қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қарздорнинг пул мажбуриятларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қоидалар. Иккинчи тоифага қуйидаги шартлар киритилади:

– пул мажбуриятларининг тўлови кечиктирилганлиги ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисида;

– қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисида;

– қарздорнинг пул мажбуриятлари учинчи шахслар томонидан бажарилиши тўғрисида;

– қарзлардан сийлов бериш тўғрисида;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисида;

– кредиторларнинг талабларини қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш тўғрисида.

*Чунончи, масалан, кредит бўйича қарзни сўндириш тўғрисидаги келишув битими тузилаётганда нафақат муддати тугаганидан кейин қарз олувчи қарзни сўндириш мажбуриятини оладиган муддатни кўрсатиши, балки сўндириш усулини: пул маблағлари, ўз маҳсулоти билан ёки бошқа усулни аниқлаштириши ҳам зарур.*

Банкротлик тўғрисидаги ишларда бўлганидек, бошқа хўжалик низоларида ҳам келишув битимининг мазмунига нисбатан асосий талаб бўлиб қонун ҳужжатларига зид бўлган шартлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини бузадиган меъёрларнинг йўқлиги ҳисобланади.

## АГАР ФИКРИДАН ҚАЙТСАЧИ?

Юқорида айтилганидек, келишув битими суд жараёнининг исталган босқичида тузилиши мумкин, бу эса жараённинг ўзи бўлишини тақозо қилади. Судгача тартибда тарафлар низолар вужудга келганида ҳам келишув битими тузишлари мумкин. Фарқ шундаки, суд тартибидаги келишув битими фикрдан қайтишни назарда тутмайди. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, келишув битими суд ҳужжати билан тасдиқланади, у тарафларнинг суддан ташқари тартибдаги битимига кўра кучдан маҳрум қилиниши мумкин эмас, иккинчидан, келишув битимида бир талай кредиторлар иштирок этишлари мумкин ва уни қарздорнинг айрим кредиторлар билан битим бўйича бекор қилиниши айрим шахслар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шу тариқа, тарафлар судга худди ўша асослар бўйича қайтадан мурожаат қила олмайдилар ва суд томонидан тасдиқланган келишув битими шартларини қайтадан кўришга муваффақ бўлинмайди. Фақат келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажримини бекор қилишга уриниб кўриш мумкин. Бу ҳолатда юқори турувчи суд бундай суд ажримини, фақат агар унинг шартлари қонун ҳужжатларига зид келса ёки кимларнингдир ҳуқуқларини бузса, бекор қилади.

Кўпинча контрагентлар низоларни судгача тартибга солиш механизмларини аввал-бошдан шартнома муносабатларига киритадилар. Масалан, улар мажбуриятларни бажариш чоғида бирор-бир ихтилофлар юзага келадиган ҳолларда ўзаро маслаҳатларни мажбурий ўтказиш тартибини батафсил белгилашлари мумкин.

## БИТИМНИ ИЖРО ЭТИШ

Суд томонидан келишув битими тасдиқланиши ишни тугатиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши учун асос ҳисобланиб *(ХПК 86-моддасининг 7-банди)*, мазкур ажрим дарҳол бажарилиши керак *(ХПК 146-моддасининг бешинчи қисми)*.

*Келишув битими бўйича мажбуриятларни бажариш муддати олти ойдан ошмаслиги керак, чунки у бажарилмаган тақдирда қарздорни фақат ижро варақаси бўйича бажаришга мажбур этиш мумкин. ХПКнинг 213-моддасига кўра эса ажримни бажариш тўғрисидаги ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ижрога тақдим этилиши мумкин.*

Тарафлар умумий қарорга келиб, мажбуриятларни бажаришнинг иккала томонни қаноатлантирадиган муддатлари ва тартибини белгиладилар дейлик. Бироқ амалиётда ҳатто келишув битимини имзолаб, тарафлардан бири ўз зиммасига олган мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажармайдиган ҳоллар оз эмас. Бу ҳолда манфаатдор тараф иш бўйича ижро варақаси берилиши учун судга илтимоснома билан мурожаат қилиши керак бўлади. Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади *(ХПКнинг 210-моддаси)*.

Тарафлар ижро ишини юритиш доирасида янги шартларда янги битим тузишлари ҳам мумкин, ушбу битим ҳам ёзма шаклда тузилади ва хўжалик суди томонидан тасдиқланади. Бунда ижро ишини юритиш тугатилади[3].

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Келишув битимини тузиш иккала тараф учун жуда манфаатлидир. **Биринчидан,** судларда ишларни кўриш муддатлари анча қисқаради, шунингдек ижро ишини юритишда мажбуриятларни бажариш тезлашади. **Иккинчидан,** тарафлар низо бўйича иккала тараф учун фойдали бўлган исталган шартларни назарда тутишлари мумкин. **Учинчидан,** тарафлар мажбуриятларни бажариш муддатлари, усулларини мустақил равишда белгилашлари, шунингдек низога доир харажатлар (суд харажатлари, ижро ишини юритиш харажатлари ва бошқа) тўловини тақсимлашлари мумкин. Суд харажатларини тақсимлаётганда суд битимга мувофиқ ҳал қилув қарорини қабул қилади *(ХПКнинг 95-моддаси)*. **Тўртинчидан,** келишув битимини имзолаш тарафларнинг бундан кейинги ҳамкорлиги янада дўстона вазиятда бўлишига имкон берадиган яраштириш сари қадамдир.

Бироқ битим тузишдаги барча афзалликларга қарамай, тарафлар келишув шартлари янги нифоққа айланиб кетмаслиги учун унга жуда ҳам эътибор билан ёндашишлари керак бўлади.

---

*[1] Олий суд ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сон қарори 18-банди.*

*[2] Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида» 162-сон қарори 30-банди.*

*[3] 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 37-моддасининг 2-банди.*

---

# МОНОПОЛИЯЧИ БИЛАН ҚАНДАЙ НИЗОЛАШИШ КЕРАК?

***Истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларда табиий монополиячи унинг мухолифи бўлиши мумкин.***

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг *(1999 йил 19 августдаги 815-I-сон Қонун таҳририда)* 3-моддасида таъкидланишича, табиий монополия – товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, бундай шароитларда товарлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналар эса унинг субъектларидир. Бундай монополияларга темир йўлда ташишлар, водопровод ва канализация хўжалиги, электр энергетика, газ саноати, почта алоқаси ва бошқа соҳаларда хизматлар тақдим этадиган корхоналарни киритиш мумкин.

Тарафлардан бири табиий монополиячи бўлган низолар учун ҳамда умуман истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар учун ҳам қонун ҳужжатларида алоҳида тартиб назарда тутилган. Унга мувофиқ истеъмолчилик ҳуқуқлари бузилган шахс Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий органига ариза топширади. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ *(Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорига илова)* ариза ёзма шаклда берилиб, унда ариза берувчи ва унга нисбатан ариза берилган монополиячи тўғрисида маълумотлар қайд этилади. Шунингдек унда қонунни бузиш далиллари баён этилади ва уларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади.

Орган томонидан аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати белгиланмаган. Бироқ у қабул қилинган пайтдан бошлаб монополияга қарши органнинг қонун ҳужжатлари бузилишини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссияси ишни бир ой мобайнида кўриб чиқиши керак. Фавқулодда ҳолларда ушбу муддат кўп деганда яна йигирма кунга узайтирилиши мумкин. Иш бўйича қабул қилинган қарор асосида комиссия кўрсатма бериб, унда уни бажариш муддатини кўрсатади.

Агар ариза берувчи қабул қилинган қарорга қўшилмаса, давлат монополияга қарши органининг қарорларини (кўрсатмаларини) тўлалигича ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, судга ариза бериш суднинг ҳал қилув қарори қабул қилиниши ва у қонуний кучга киритилишига қадар монополияга қарши органнинг қарорини (кўрсатмасини) бажаришни тўхтатмайди.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***юрист.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

# Бизнес Панорама

«Норма маслаҳатчи» 14 (143)-сон 2008 йил 4 апрель

"ART-FLEX" МЧЖ

## ҲАММАСИ ОФИС УЧУН

Тўлов исталган шаклда

- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 244-0493, 244-3792, 267-9753, 68-7597

PR 249 07

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

SANAY Co.Ltd

## К А Ф Е Л Ь

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда

pr_8-01-01



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

БИРИНЧИ ҚЎЛДАН СОТИБ ОЛИНГ!

"TASHROSTRANS" МЧЖ ҚКнинг расмий дилери

## "SOLDIS SERVIS" МЧЖ

қуйидаги шаҳарлардаги омборлардан нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича:

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент ш. – | (998-71) | 273-37-64 |
| | (998-97) | 156-54-95 |
| Урганч ш. – | (362) | 226-25-61 |
| Бухоро ш. – | (365) | 225-09-32 |
| Қарши ш. – | (375) | 221-17-25 |
| | | 227-18-96 |

барча турдаги темир йўл вагонлари, цистерналар, хопперлар ва контейнерлар, автофургонлар, омборхоналар ва алоҳида муҳим объектлар эшикларини ёпиш учун универсал қурилма сифатида фойдаланиладиган

"HUMO-1"

ёпиш-пломбалаш қурилмаларини сотади

Товар сертификатланган

E-mail: soldis1@mail.ru

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 244-02-01, 244-02-40.

## ҲАММАСИ МЎЪЖАЗ БОСМАХОНАЛАР УЧУН

### Рақамли дубликаторлар ва коллаторлар

**Duplo DBM 120** – меҳнат унумдорлиги соатига 2400 блоккача бўлган брошюралаш машинаси, китоб саҳифаларини маҳкамлаш ва фальцовкалаш йўли билан брошюраларни тез тайёрлаш учун мўлжалланган.



Duplo™



**DP-S550 рақамли дупликатори**
- А3 бичими
- ечими 300х600 dpi
- босиш тезлиги бир дақиқада 150 нусха
- ичига киритилган компьютер интерфейси
- рақамли функцияларнинг кенгайтирилган тўпламига эга фаол ЖК дисплейи
- рус тилидаги меню
- 10 000 000 нусха ресурси
- кафолат босиш чекламисиз 1 йил

ЯПОНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

pr_8-06-01

"SyTeCo" ҚК тел.: 244-61-36, 244-31-63

EURASIAN FOODS

"EURASIAN FOODS" АЖ

## ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТИ

(сариёғ, маргарин, майонез, ўсимлик ёғи)ни

Ўзбекистон Республикасида сотиш учун компанияларни ҳамкорликка таклиф этади

Қозоғистондаги (Қарағанда ш.) алоқа боғлаш телефонлари:

**+7 7212 44 12 08, 44 09 85**
**+7 701 588 90 42, 544 71 80**

E-mail: jsc _ kmz@mail.ru
Батафсил маълумотлар www.margarine.kz сайтида

ЎЗЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
Ўзбекистон

CAITME
Central Asian International Textile Machinery Exhibition

**16-18 апрель 2008 й.**

4-нчи Марказий Осиё халқаро

## ГАЗЛАМА УСКУНАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

www.textileexpo.uz www.ite-uzbekistan.uz

Ташкилотчи:

ITE UZBEKISTAN

Тел. +(998 71) 113 01 80
факс +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Маросимнинг расмий очилиши
2008 йил 16 апрель соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:
16 апрель 11.30 - 18.00 17 апрель 10.00 - 18.00
18 апрель 10.00 - 16.00

ufi Member

## www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

«Norma» МЧЖ шуни маълум қиладики, «Норма маслаҳатчи» газетасининг таҳририяти 2007 йил октябрида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидан **«Босма ОАВларнинг медиа-бизнесини юритиш асослари»** лойиҳасини амалга оширишга грант олди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 8 844 300 сўмни ташкил этади. Бундан **4 657 500 сўм** Фонд томонидан грант сифатида ажратилди. **4 186 800 сўм миқдоридаги қолган қисми** «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририятининг маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

Ушбу лойиҳанинг мақсади босма ОАВ бош муҳаррирлари ва ходимларининг иқтисодиёт ва медиа-бизнесни ташкил этиш борасидаги билим даражаларини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун журналистлар учун ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, республика минтақаларида семинарлар ўтказилади. Лойиҳанинг амалга оширилиши босма ОАВларни бизнес сифатида бошқариш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида фаолият юритишлари, оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириши лозим.

IndustrialEXPO
Uzbekistan
[КЎРГАЗМА]
«Интерконтиненталь» меҳмонхонаси
2008 й.
16-18 апрель
4-нчи Халқаро саноат кўргазмаси
“Энергетика. Кимё. Машинасозлик”
Расмий кўмак
Тошкент ш. ҳокимлиги
“Ўзбекэнерго” ДАК
“Ўзкимёсаноат” ДАК
“Ўзстандарт” агентлиги
ЎзР Савдо-саноат палатаси
ZAR EXPO
Ташкилотчи:
Ўзбекистон, 100001, Тошкент,
Хуршид кўч., 17
Тел.+99871 2340034
Факс +99871 2411211
e-mail: sales@zarexpo.com
web: www.zarexpo.com

ЎзЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
TIHE 2008
2008 й.
24-27 АПРЕЛЬ
13-нчи Ўзбекистон халқаро
КЎРГАЗМАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
Ташкилотчи:
ITE UZBEKISTAN
Маросимнинг расмий очилиши
2008 йил 24 апрель соат 11.00 да
Кўргазманинг ишлаш вақти:
24 апрель 11.30 - 18.00
25 апрель 10.00 - 18.00
26 апрель 10.00 - 18.00
27 апрель 10.00 - 16.00
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: + (998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 10 мартдаги ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги умумий тартибда банкрот деб эътироф этишга оид иш очилган ва кузатув жорий қилинган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| “SAMO SAVDO SERVIS” МЧЖ | 10-0816/3219 |
| “FORTUNA TOUR” МЧЖ | 10-0816/3220 |
| “KOHINUR FOX” МЧЖ | 10-0816/3221 |
| “TURON SONIK” МЧЖ | 10-0816/3222 |
| “KERAMIKA BIZNES” МЧЖ | 10-0816/3223 |
| “FALKON BIZNES” МЧЖ | 10-0816/3224 |

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2008 йил 7 апрелда Тошкент ш., Рахматуллина кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада кўрилади. Корхоналарнинг банкротлик иши 2008 йил 11 апрель соат 15.30 дан 16.30 гача Тошкент шаҳар хўжалик судининг суд залида (Чўпон ота кўчаси, 6-уй) кўрилади. Даъвогарлар кредиторлар судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 1 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ҳамда тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | КТУТ (ОКПО) | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| “GOLDEN RUJENS BUL” МЧЖ | 300189326 | 30.01.07 | 002327-03 | 21564557 | 10-0821.(19)/2516 |
| “SHODIYOR-ELIT-SERVIS” МЧЖ | 300516693 | 23.07.07 | 002671-03 | 22015781 | 10-0821.(19)/2517 |
| “PARVOZ TONG” МЧЖ | 300535726 | 08.08.07 | 002707-03 | 22016023 | 10-0821.(19)/2518 |
| “GOLDEN ZIP” МЧЖ | 300510385 | 13.07.07 | 002654-03 | 22015686 | 10-0821.(19)/2519 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб У.Комилов ва С.Абдурахимов тайинланган. Корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2008 йил 11 апрелда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 19 мартдаги 10-0814/1548-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманидаги “Кристал строй сервис” МЧЖ банкрот деб эълон қилинган. Корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ҳозирги кунда тугатиш ишлари олиб борилмоқда. Тугатиш бошқарувчиси этиб Юнусобод туман ДСИ ходими Х.Нурмуҳамедов тайинланган. Кредиторларнинг навбатдаги йиғилиши 2008 йил 14 апрель соат 10.00 да Юнусобод туман ДСИ биносида ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 7-хонада қабул қилинади. Тел. 235-76-61.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРХОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “O'zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J5029. Адади 6600. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2008 йил 3 апрелда соат 14.00 да топширилди.*